1. Консуллик муассасаси раҳбарини тайинлашдан олдин юбуровчи давлат дипломатик ёки бошқа тегишли каналлар орқали тавсия қилинган шахсга нисбатан қабул қилувчи давлатнинг розилигини олиши керак.

Агар қабул қилувчи давлат бирон бир шахсни консуллик муассасасини раҳбари тайинланишига розилик бермаса, у юбуровчи давлатга бундай рад этишнинг сабабларини изоҳлаб бериши шарт эмас.

2. Қабул қилувчи давлатдан дастлабки розилиги олингандан сўнг, юборувчи давлат дипломатик каналлар орқали қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирлигига консуллик муассасаси раҳбарини тайинлаш тўғрисида консуллик патенти ёки бошқа айнан шундай ҳужжатни юборади. Ушбу ҳужжатда консуллик муассасаси раҳбарининг тўла исми ва фамилияси, унинг фуқаролиги, даражаси, у консуллик вазифаларни бажарадиган консуллик округи, шунингдек консуллик муассасасининг манзилгоҳи кўрсатилиши керак.

3. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси раҳбари этиб тайинланиши ҳақида консуллик патенти ёки бошқа айнан шундай ҳужжат олгандан сўнг унга экзекватура деб номланадиган рухсатни беради.

Экзекватура беришга рад этаётган қабул қилувчи давлат юборувчи давлатга бундай рад этишнинг сабабларини изоҳлаб бериши шарт эмас.

4. Ушбу модданинг 5-бандида ва 4-моддада кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, консуллик муассасаси раҳбари экзекватурани олмасдан ўз вазифаларини бажариши мумкин эмас.

5. Қабул қилувчи давлат экзекватура бергунга қадар консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифаларини вақтинча бажаришига рухсат бериши мумкин. Мазкур ҳолда ушбу Конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

6. Консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифаларини бажаришга рухсат берилиши биланок, бу вақтинчалик бўлса ҳам, қабул қилувчи давлат бу ҳақда консуллик округининг ваколатли органларини зудлик билан хабар беради. У консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифасини бажариши ва ушбу Конвенциядан келиб чиқувчи афзалликлардан фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўради.

4-модда

Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини вақтинча бажариш

1. Агар консуллик муассасаси раҳбари ўз вазифасини бажара олмаса ёки консуллик муассасаси раҳбари ўрни бўш бўлса, юборувчи давлат консуллик муассасаси раҳбарининг вазифасини вақтинчалик қабул қилувчи давлатдаги ўзини ушбу ёки бошқа консулхонасининг консуллик мансабдор шахсига ёки қабул қилувчи давлатдаги ўзини дипломатик ваколатхонасининг дипломатик ходимига вақтинча консуллик муассасаси раҳбари вазифасини бажаришни топшириши мумкин. Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчининг тўлиқ исми ва фамилияси, қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирлигига ёки ушбу вазирлик томондан кўрсатилган органга дипломатик ваколатхона орқали ёзма равишда хабар қилинади. Агар қабул қилувчи давлатда бундай ваколатхона мавжуд бўлмаса, хабарни консуллик муассасаси раҳбари ёки у агар буни қила олмаса, юборувчи давлатнинг бошқа тегишли органи қилиши мумкин. Қоидага кўра, ушбу хабар олдиндан берилади.

2. Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини бажарувчи ушбу Конвенцияда консуллик муассасаси раҳбарига бериладиган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

3. Агар ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ юборувчи давлат консулхона муассасаси раҳбари вазифасини бажарувчи сифатида қабул қилувчи давлатда юборувчи давлатнинг дипломатик ваколатхонасининг дипломатик ходимлари аъзоси тайинланса, бу шахс ўзининг дипломатик мақомига мувофиқ дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланишни давом этади.

5-модда

Консуллик хизмати ходимларини тайинлаш

1. Юборувчи давлат консуллик хизмати ходимларини бемалол тайинлашга ҳақдир, ушбу Конвенциянинг 7- ва 8-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Қабул қилувчи давлат хоҳлаган вақтда ушбу Конвенция 8-модда 3-бандида кўзда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириши учун юборувчи давлат қабул қилувчи давлатга консуллик муассасаси раҳбаридан ташқари барча консуллик мансабдор шахсларнинг тўлиқ исми ва фамилияси, уларнинг даражаси ва тоифаси тўғрисида олдиндан хабар беради.

6-модда

Ишга тайинланиш, келиш ва жўнаб кетиш тўғрисида хабардор қилиш

1. Юборувчи давлат қабул қилувчи давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигини ёки ушбу вазирлик томондан кўрсатилган органини куйидагилар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади:

а) консуллик муассасаси ходимларининг ишга тайинланиши, уларнинг тайинланганидан кейин консуллик муассасасига келиши, жўнаб кетиши ёки уларнинг вазифалари тугатилиши ҳамда консуллик муассасасида ишлаш мобайнида уларнинг мақомидаги дахлдор бўлган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида;

б) консуллик муассасаси ходимининг оила аъзоси бўлган ва у билан доимо бирга яшаётган шахснинг келиши ёки жўнаб кетиши ва тегишли ҳолатларда, бирон бир шахс оила аъзоллигига киргани ёки чиққанлиги тўғрисида;

в) хусусий уй хизматчиларнинг келиши ва жўнаб кетиши ҳамда тегишли ҳолатларда, уларнинг шу сифатида хизматларининг тугатилиши тўғрисида;

г) қабул қилувчи давлатда доимий яшаётган, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлган консуллик муассасаси ходимлари ёки хусусий уй хизматчиси сифатида ёлланган ёки бўшатишган шахслар тўғрисида.

2. Келиш ёки жўнаб кетиш тўғрисидаги хабар имкониятга қараб олдиндан берилиши лозим.

7-модда

Консуллик мансабдор шахсларнинг фуқаролиги

1. Умуман олганда, консуллик мансабдор шахслари юборувчи давлат фуқаролари бўлиши лозим.

2. Қабул қилувчи давлатнинг аниқ изҳор этилган розилиги ва бу розилик ҳар қандай вақтда бекор қилиниши мумкин бўлган ҳолда, ушбу давлатнинг фуқаролигидан консуллик мансабдор шахслар тайинланиши мумкин.

3. Қабул қилувчи давлат учинчи давлат ва бир вақтда юборувчи давлат фуқароси бўлмаган фуқароларга ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини айтиб ўтиши мумкин.

8-модда

«Persona non grata» деб топилган шахслар

1. Қабул қилувчи давлат исталган вақтда у ёки бу консуллик мансабдор шахснинг «persona non grata» ёки консуллик хизмати ходимларининг бирортасини номмақбул шахс деб топганлиги тўғрисида юборувчи давлатни хабардор қилиши мум-

кин. Бундай ҳолда юбуровчи давлат оқилона муддат ичида ушбу шахсни чақириб олиши ёки унинг консуллик муассасасидаги вазифаларини тўхтатиши лозим.

2. Агар юбуровчи давлат ушбу модданинг 1-бандида қўзда тутилган мажбуриятларни оқилона муддат ичида бажаришдан воз кечса ёки бажара олмаса, қабул қилувчи давлат бу шахсни экзекватурасини бекор қилиши ёки консуллик хизмати ходими деб тан олишдан воз кечиши мумкин.

3. Консуллик муассасаси ходими сифатида тайинланган шахс қабул қилувчи давлат ҳудудига келишидан олдин ёки, агар ушбу давлатга келиб турган бўлса, у консуллик муассасасида ўз мажбуриятларини бажаришга киришгунга қадар, номақбул шахс деб эълон қилиниши мумкин. Ҳар қандай бундай вазиятларда юбуровчи давлат уни тайинланишини бекор қилади.

4. Ушбу модданинг 1- ва 3-бандларида кўрсатилган ҳолатларни қабул қилувчи давлат юбуровчи давлатга ўз қарорининг сабабларини изоҳлаб беришга мажбур эмас.

9-модда

Консуллик муассасаси ходимлари учун консуллик ва турар жойларни сотиб олиш

1. Қабул қилувчи давлатнинг қонунларига мувофиқ ва ушбу давлатнинг розилиги билан юбуровчи давлат ўз номидан ёки у томонидан ваколатланган жисмоний ёхуд юридик шахс орқали қуйидагиларни сотиб олиш, ижарага олиш ва бошқа бирон бир шаклда эгалик қилиш ҳуқуқига эга:

а) консуллик муассасаси учун мўлжалланган, қабул қилувчи давлатнинг фуқароси бўлмаган ва ушбу давлатда доимий яшаш жойига эга бўлмаган ҳар қандай консуллик мансабдор шахс, консуллик хизматчи ёки хизмат қилувчи ходими учун турар жой биносини ёки бинонинг бир қисмини;

б) консуллик муассасаси ва турар жой биносини қуриш учун мўлжалланган ер майдонини.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шартларга мувофиқ, юбуровчи давлат консуллик муассасаси ёки турар жой биноси учун мўлжалланган бинони ёки бинонинг бир қисмини ёхуд уларни қуриш учун ажратилган ер майдонини яхшилаш ва мувофиқлаштириш мумкин.

3. Қабул қилувчи давлат, зарур бўлганда, ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган ҳуқуқларни амалга юбуровчи давлатга тегишли ёрдам ва қўмақ кўрсади.

4. Ушбу моддадаги ҳеч қайси қоида, қабул қилувчи давлатнинг қурилиш, шаҳарни режалаштириш, туманларга бўлиш, ердан фойдаланиш, тегишли ер майдонлар, бинолар ва биноларнинг қисмлари жойлашган аҳоли пунктларида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилишни тартибга солувчи қонунларга риоя этмагани учун юбуровчи давлатни жавобгарликдан озод этади деб шарҳланмаслиги керак.

10-модда

Фаҳрий консуллик мансабдор шахслар

Агар иккала Аҳдлашувчи Томон фаҳрий консуллик мансабдор шахсларни тайинлашга келишиб олсалар, улар фаҳрий консуллик мансабдор шахсга нисбатан қўлланадиган режимни аниқлаш мақсадида ушбу Конвенция қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида тегишли келишувларни тузиш масаласи бўйича ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

11-модда

Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг ишига кўмак кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш

Қабул қилувчи давлат консуллик муассасасига ўз вазифаларини бажариш учун барча шарт-шароитларни яратади. У консуллик муассасаси ходимларини ҳимоя қилади ва ушбу Конвенция қоидаларига асосан ходимларга консуллик ўз вазифаларини бажариш, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиш учун зарур чораларни кўради.

12-модда

Давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш

1. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ юбуровчи давлат ўз давлат байроғи ва гербидан қабул қилувчи давлатда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Юбуровчи давлат байроғи ва унинг герби консуллик муассасаси жойлашган биносига, унинг кириш эшиклари, шунингдек консуллик муассасаси раҳбари қароргоҳига ҳамда хизмат вазифаларни бажараётганда транспорт воситаларига ўрнатилиши мумкин.

3. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланишда, юбуровчи давлат қабул қилувчи давлат қонунларига ва урф-одатларига риоя қилади.

13-модда

Консуллик бинолари ва консуллик мансабдор шахслар турар жойларининг дахлсизлиги

1. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ консуллик бинолари ва консуллик мансабдор шахсларининг турар жойлари дахлсиздир.

2. Қабул қилувчи давлат ваколатли органларининг вакиллари фақат консуллик ишлари амалга оширилаётган биноларга консуллик муассасаси раҳбари ёки қабул қилувчи давлатдаги дипломатик ваколатхона раҳбарининг ёхуд уларнинг бирон-бир томондан тайинланган шахснинг рухсатисиз кира олмайди.

3. Қабул қилувчи давлатга консуллик бинолари ҳар қандай бостириб киришдан ёки зарар етказишдан ҳимоя қилиш ҳамда консуллик муассасаси тинчлигини ҳар қандай бузиш ёки унинг кадр-қимматини ерга уришнинг олдини олиш бўйича махсус мажбурият юклатилади.

4. Консуллик муассасаси биноси, унинг асбоб-анжомлари ва консуллик муассасасининг мулки, шунингдек унинг транспорт воситалари мажбурий равишда давлат мудофааси ёки жамоат эҳтиёжлари мақсадларида олиб қўйишнинг ҳар қандай турига қарши иммунитетга эгадир.

5. Ушбу модданинг 1-, 2-, 3- ва 4-бандларининг қоидалари консуллик мансабдор шахсларининг яшайдиган биноларига нисбатан ҳам қўлланилади.

14-модда

Консуллик архивлари ва ҳужжатларнинг дахлсизлиги

Консуллик архивлар ва ҳужжатлари уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, ҳамиша дахлсиздир.

15-модда

Консуллик муассасаси биноларининг солиқ ва йиғимлардан озод қилиниши

1. Юборувчи давлат эгалик қилган ёки ижарага олган, ёки унинг номидан фаолиятни юритадиган ҳар қандай шахс барча давлат, туман ва маҳаллий солиқ ва йиғимлардан озод қилинади, бунда алоҳида турдаги хизматлар учун тўланадиган тўловлар бундан мустасно.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган солиқ истиснолар юборувчи давлат ёки унинг номидан фаолият юритадиган шахслар билан шартнома тузган шахсдан қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ олинадиган солиқ ва йиғимларга нисбатан қўлланилмайди.

16-модда

Ҳаракат эркинлиги

Кириш тақиқланган ёки кириш давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан тартибга солинган ҳудудлар тўғрисидаги қонунларига зид бўлмагани учун қабул қилувчи давлат консуллик муассасасининг барча ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига унинг ҳудудида ҳаракатланиш эркинлигини таъминлайди.

17-модда

Алоқа эркинлиги

1. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасасининг барча расмий мақсадлар учун алоқалар эркинлигига рухсат этади ва ҳимоя қилади. Консуллик муассасаси юборувчи давлат ҳукумати, дипломатик ваколатхоналари ва бошқа консуллик муассасалари билан алоқа қилишда, улар қаерда жойлашган бўлишларидан қатъи назар, барча мос келадиган воситалардан, жумладан: дипломатик ва консуллик курерларидан, дипломатик ва консуллик вализаларидан, кодланган ёки шифрланган депешалардан фойдаланиши мумкин. Бироқ, консуллик муассасаси фақат қабул қилувчи давлат розилиги билан радиоузатгич ўрнатиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

2. Консуллик муассасасининг расмий хат-хабарлари дахлсиздир. Расмий хат-хабарлар тушунчаси остида консулхона консуллик ва унинг вазифаларига тааллуқли барча хат-хабарлар тушунилади.

3. Консуллик вализаси унинг ҳаракатини кўрсатувчи кўзга ташланадиган ташқи белгиларга эга бўлиши ва фақатгина расмий хат-хабарлар ва ҳужжатлар ёки фақат расмий фойдаланиш учун мўлжалланган ашёлардан иборат бўлиши лозим.

4. Консуллик вализаси очилиши ҳам, ушланиши ҳам мумкин эмас. Бироқ, қабул қилувчи давлатнинг ваколатли идораларида консулхона вализаси ичида ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжат ва ашёлардан ташқари бошқа бирор нарсанинг борлигига жиддий асослар бўлса, улар вализани уларнинг ҳузурда юборувчи давлат вакили томонидан очилишини талаб қилишлари мумкин. Агар юборувчи давлат вакиллари бу талабни бажаришдан бош тортсалар, вализа жўнатишга қайтарилади.

5. Консуллик курери, унинг мақомини ва консуллик вализасини ташкил қилувчи пакетлар сонини кўрсатувчи расмий ҳужжат билан таъминланиши лозим. Қабул қилувчи давлат розилиги мавжуд бўлган ҳолатдан ташқари, у на қабул қилувчи давлат фуқароси, на, агар юборувчи давлат фуқароси бўлмаса, қабул қилувчи давлатда доимий яшаётган шахс бўла олмайди. Ўз вазифаларини бажариш жараёнида

у қабул қилувчи давлатнинг ҳимоясида бўлади. У шахсий дахлсизликдан фойдаланади ва қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, уни ушлаш ҳамда ҳибсга олиш мумкин эмас.

6. Юборувчи давлат, унинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси консуллик курерларни *ad hoc* тарзида тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг 5-банди қоидалари қўлланилади, бироқ бундай курернинг иммунитетлари унга топширилган консуллик вализасини манзилга етказиб топшириши билан тугайди.

7. Консуллик вализаси келишига рухсат берилган манзилга бораётган ҳаво кемаси командирига ёки денгиз кемаси капитанига топширилиши мумкин. Бу командир ёки капитан вализани ташкил этган жойларнинг сони кўрсатилган расмий ҳужжатга эга бўлиши керак, аммо у консуллик курери бўлиб ҳисобланмайди. Консуллик муассасаси ўз ходимларидан бирини ҳаво кемаси командири ёки денгиз кемаси капитанига консулхона вализасини бевосита ва бемалол топшириш ва улардан консулхона вализасини қабул қилиб олиш учун юбориши мумкин. Консулхона вализасини олиш-бериш тартиби қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари билан келишилади.

18-модда

Консуллик мансабдор шахсларининг шахсий дахлсизлиги

1. Консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари шахсий дахлсизликдан фойдаланадилар. Ушбу Конвенциянинг 32-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, уларни ушлаш ҳамда ҳибсга олиш мумкин эмас.

2. Қабул қилувчи давлат консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзоларига ҳурмат билан қараши ва уларнинг шахсияти, эркинлиги ва кадр-қимматига қилинадиган тажовузларга қарши зарур чораларни кўриши лозим.

19-модда

Юрисдикциядан иммунитет

1. Консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари қуйида келтирилган фуқаролик даъволаридан ташқари ҳолатларда қабул қилувчи давлатда жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияга қарши иммунитетга эгадирлар:

а) юборувчи давлат агенти сифатида мажбуриятни тўғридан-тўғри ёки қисман олмасдан консуллик мансабдор шахслари томонидан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган ҳолатларда;

б) қабул қилувчи давлатда йўл транспорт воситаси, кема ёки ҳаво кемаси томонидан учинчи томонга зарар етказилган ҳолатларда;

в) қабул қилувчи давлатдаги шахсий кўчмас мулкка нисбатан мол-мулк даъво-си кўриляётган ҳолатларда, агар консуллик мансабдор шахси юборувчи давлат номидан унинг устидан эгалик қилмаётган бўлса;

г) меросга нисбатан консуллик мансабдор шахси васият ижрочиси, мерос мулки устидан васийлик қилувчи, меросхўр ёки рад қилинган меросни олувчи сифатида юборувчи давлат номидан эмас, балки хусусий шахс бўлиб даъво қилса;

д) алимент тўлаш мажбуриятидан келиб чиқадиган даъво ҳолларида.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган фуқаролик даъволаридан ташқари ҳолатларда, консуллик хизматчилари хизмат доирасида амалга ошираётган фаолиятларига нисбатан қабул қилувчи давлатда жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияга қарши иммунитетга эгадирлар.

20-модда

**Ушланиш, ҳибсга олинис ва судда ишни кўриб чиқиш тўғрисида
хабар бериш**

Қабул қилувчи давлат фуқароси бўлган ёки унда доимий яшаётган консуллик муассасаси хизматчиси ва хизмат қилувчи ходими, шунингдек консуллик мансабдор шахси ушланган, ҳибсга олинган тақдирда ёки унга нисбатан жиноий иши қўзғатилган ҳолатда, қабул қилувчи давлат ушбу ҳақда консуллик муассасаси раҳбарини зудлик билан хабардор қилади.

21-модда

Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш мажбурияти

1. Консуллик муассасаси ходимлари қабул қилувчи давлатда суд ёки маъмурий ишлар юргизилаётганда гувоҳлик кўрсатмаларини бериш учун чақирилиши мумкин. Консуллик хизматчиси ёки хизмат кўрсатувчи ходим гувоҳлик кўрсатмаларни беришдан бош тортишлари мумкин эмас, ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно. Агар консулхона муассасаси ходими гувоҳлик кўрсатмалари беришдан бош тортса, унга нисбатан ҳеч қандай мажбурий ёки жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас.

2. Консуллик муассасаси ходимининг кўрсатмаси керак бўлган орган, бу шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига ҳалақит бермасликлари лозим. У ўша шахснинг кўрсатмаларини имконият бўлганида унинг яшаш жойида ёки консуллик муассасаси биносида эшитишлари ёхуд ундан ёзма равишда кўрсатмаларни қабул қилишлари мумкин.

3. Консуллик муассасаси ходимлари ўзларининг вазифаларига оид масалалар бўйича кўрсатма беришга ёки уларнинг вазифаларига оид ҳужжат ва хат-хабарларини кўрсатишга мажбур эмас. Улар юборувчи давлат қонунларини талқин қилувчи кўрсатмаларни ҳам беришлари мажбурий эмас.

22-модда

Имтиёз ва иммунитетлардан воз кечилиши

1. Юборувчи давлат ушбу Конвенциянинг 18-, 19- ва 21-моддаларида кўрсатилган, консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзолари фойдаланадиган имтиёз ва иммунитетлардан воз кечиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳолатдан ташқари, бундай воз кечиш аниқ ифодаланган бўлиши ва бу тўғрида қабул қилувчи давлатга ёзма равишда билдирилиши лозим.

3. Консуллик муассасаси ходими томонидан ушбу Конвенциянинг 19-моддасига мувофиқ юрисдикцияга қарши иммунитетдан фойдаланиши мумкин бўлган ҳолларда фуқаролик ёки маъмурий иш қўзғатса, асосий даъво билан боғлиқ қарши даъво нисбатан юрисдикцияга қарши иммунитет ҳавола қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

4. Фуқаролик ёки маъмурий ишларга нисбатан юрисдикцияга қарши иммунитетдан воз кечиш суд қарорларининг ижроси бўйича иммунитетдан воз кечишни англамайди. Бунга нисбатан ёзма равишда алоҳида воз кечиш лозим.

23-модда

**Чет элликларнинг рўйхатдан ўтиши ва яшаш учун рухсат
олишдан озод қилиниши**

1. Консуллик мансабдор шахслари, консуллик хизматчилари ва уларнинг оила

аъзолари қабул қилувчи давлатнинг чет элликларни рўйхатдан ўтиши ва яшаши учун рухсат олинишига оид қонунларида кўрсатилган барча мажбуриятлардан ҳамда озод қилинадилар.

2. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига консуллик муассасасининг ходимлари ва оила аъзоларининг мақомларини тасдиқловчи шахсий гувоҳномалар билан таъминлайди.

3. Ушбу модданинг 1-бандининг қоидалари юборувчи давлатнинг доимий хизматчиси бўлмаган, қабул қилинувчи давлатда даромад олиш мақсадида хусусий фаолият кўрсатаётган консуллик хизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзоларига нисбатан қўлланилмайди.

24-модда

Ишлаш учун рухсат олишдан озод қилиниши

1. Консуллик муассасаси ходимлари юборувчи давлат учун ишларни бажариш жараёнида қабул қилувчи давлат чет элликларни ишга ёллашга оид қонунлари билан ўрнатилган ишга олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинадилар.

2. Консуллик мансабдор шахслари ва консуллик хизматчиларининг хусусий уй хизматчилари, агар улар қабул қилувчи давлатда даромад олиш мақсадида ҳеч қандай бошқа фаолият билан шуғулланмасалар, ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлардан озод қилинадилар.

25-модда

Ижтимоий таъминотга доир истиснолар

1. Қабул қилувчи давлатда амалда бўлган ижтимоий таъминотга тааллуқли қоидалар консуллик муассасаси ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига улар юборувчи давлат учун бажарадиган иш борасида тааллуқли бўлмайди, ушбу модданинг 3-бандида кўзда тутилган ҳоллар бундан истисно.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган истиснолар, жумладан фақатгина консулхона муассасаси ходимларининг хизматида бўлган хусусий уй хизматчиларига тааллуқли ҳам бўлади агар қуйидаги шартлар бажарилса:

а) улар қабул қилувчи давлат фуқаролари бўлмасалар ва унда доимий равишда истиқомат қилмасалар;

б) уларга юборувчи давлатда ёки учинчи давлатда амал қилувчи ижтимоий таъминот тўғрисидаги қоидалар тегишли бўлмаса.

3. Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган қоидалар тааллуқли бўлмайдиган шахсларни ёлловчи консулхона муассасаси ходимлари қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ ёлловчиларга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришлари лозим.

4. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида кўзда тутилган истиснолар қабул қилувчи давлатда ижтимоий таъминот тизимида кўнгилли иштирок этишга, бундай иштирок этишга бу давлат рухсат бериши шarti билан тўсқинлик қилмайди.

26-модда

Солиқларга доир истиснолар

1. Консуллик мансабдор шахслари ва консулхона хизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари барча шахсий ва мулкӣ, давлат, туман ва муниципал солиқ ва божлардан озод этилади, бундан қуйидагилар мустасно:

а) товар ва хизмат баҳосига одатда киритиладиган билвосита солиқлар;

б) қабул қилувчи давлат ҳудудида жойлашган хусусий кўчмас мулкдан ундириладиган йиғим ва солиқлар, 15-модданинг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно;

в) қабул қилувчи давлат томонидан мерос мулкидан ундириладиган солиқлар ёки мерос олиш билан боғлиқ божлар ёки мулкнинг ўтишига солиқлар, 28-модда б-бандининг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно;

г) қабул қилувчи давлатда манбага эга бўлган сармоянинг фоизини ўз ичига олган хусусий даромадлардан ундириладиган солиқ ва йиғимлар, шунингдек қабул қилувчи давлатда жойлашган савдо ёки молиявий корхоналардаги сарфланган сармоялардан келиб тушган киримдан ундириладиган солиқлар;

д) аниқ хизмат турлари учун олинадиган йиғимлар;

е) рўйхатга олиш, суд ва реестрлар божлари, ипотека ва герб йиғимлари, 15-модданинг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Хизмат кўрсатувчи ходимлар ўз ишлари учун оладиган иш ҳақидан ундириладиган солиқ, йиғим ва божлардан озод қилинадилар.

3. Қабул қилувчи давлатда иш ҳақи даромад солиғидан озод қилинмаган шахсларни ёллаган консуллик муассасаси ходимлари бу давлатнинг даромад солиғи солинишини белгилаган қонунлардаги ёлловчиларга юклайдиган мажбуриятларни бажарадилар.

27-модда

Божхона божлар ва кўригидан озод қилиш

1. Қабул қилувчи давлат ўз қонунларига мувофиқ куйидагиларни олиб киришга рухсат беради ҳамда сақлаш, ташиш ва шунга ўхшаш хизматлар учун йиғимлардан ташқари барча божхона божлари, солиқлари ва бу билан боғлиқ йиғимлардан озод қилади:

а) консуллик муассасасининг расмий фойдаланиши учун мўлжалланган буюмлар;

б) консуллик мансабдор шахси ёки у билан бирга истиқомат қилувчи оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши жумладан уйларни жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмларни. Истеъмол товарларининг миқдори тегишли шахсларнинг бевосита фойдаланиши учун зарур миқдордан ошмаслиги керак.

2. Консуллик хизматчилари дастлабки жойлашишлари вақтида олиб кирилган буюмларга нисбатан ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз ва озод қилишлардан фойдаланадилар.

3. Консуллик мансабдор шахслари ва улар билан бирга яшовчи уларнинг оила аъзоларининг бу шахслар билан бирга келтириляётган шахсий юклари кўригидан озод этилади. Ушбу модданинг 1-банди б-кичик бандида кўрсатилган буюмлардан бошқа ёки олиб келиш ва олиб чиқиш қабул қилувчи давлат қонунларида ёхуд унинг карантин қоидаларида тақиқланган нарсалар бор деб ҳисоблашга жиддий асослар мавжуд бўлганида у текширилиши мумкин. Бундай текшириш фақатгина тегишли консуллик мансабдор шахси ёки унинг оила аъзолари иштирокида ўтказилиши лозим.

28-модда

Консуллик муассасаси ходимлари ёки уларнинг оила аъзоларининг мерос мулки

Консуллик муассасаси ходими ёки унинг оила аъзоси вафот этган ҳолда, қабул қилувчи давлат:

а) вафот этган шахснинг қабул қилувчи давлатда сотиб олган ва у вафот этган вақтда олиб кетилиши ман қилинган мулкдан ташқари кўчар мулкни олиб кетишга рухсат беради;

б) вафот этган шахс қабул қилувчи давлатда консуллик муассасаси ходими ёки унинг оила аъзоси бўлганлиги сабабли, бу давлатда жойлашган меросидан ундириладиган давлат ёки муниципал солиқларини ва кўчар мулкка меросхўрлик қилиш учун олинадиган ундирмайди.

29-модда

Шахсий мажбурийликдан озод этиш

Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини, ҳар қандай шахсий мажбурийликдан ва ижтимоий мажбуриятлардан, уларнинг қандай мазмунга эга бўлишдан қатъи назар, реквизиция, контрибуция ва ҳарбий қўноқ каби ҳарбий мажбурийликдан озод этиши лозим.

30-модда

Консуллик имтиёзлари ва иммунитетларнинг бошланиши ва тугатилиши

1. Консуллик муассасасининг ҳар бир ходими ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлардан қабул қилувчи давлат ҳудудига кириб ўз иш жойига кетаётган вақтдан бошлаб, ёки у шу давлат ҳудудида бўлса, ўз вазифасини бажаришга киришган пайтдан бошлаб фойдаланади.

2. Консуллик муассасаси ходимининг оила аъзолари ва унинг шахсий уй хизматчилари ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлардан ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ консуллик муассасаси ходимига имтиёз ва иммунитетлар берилган муддатдан бошлаб ёки уларнинг қабул қилувчи давлат ҳудудига кириб келиш вақтидан бошлаб улар унинг оила аъзолари ёки хусусий уй хизматчилари ҳисоблана бошлаган пайтдан, бундан нима аввалроқ бўлганлигига қараб, фойдаланадилар.

3. Консуллик муассасаси ходимининг вазифаси тугаганда, унинг имтиёз ва иммунитетлари, ҳамда унинг оила аъзолари ёки шахсий уй хизматчиларининг имтиёз ва иммунитетлари ҳам одатда мазкур шахснинг қабул қилувчи давлатни тарк этиши биланоқ тўхтайдиган ёки бунинг учун ажратилган оқилона муддат тугагунга қадар қайси фурсат аввалроқ келишига қараб, хатто қуролли тўқнашув ҳолатида ҳам уларнинг имтиёз ва иммунитетлари сақланиб қолинади. Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахсларнинг имтиёз ва иммунитетлари улар консуллик муассасаси ходимининг оила аъзоси бўлишдан тўхтаганларида ёки шахсий хизматлари бўшашлари билан тўхтатади, аммо бундай шахслар қабул қилувчи давлатни оқилона муддат ичида тарк этишни кўзлаган бўлсалар, уларнинг имтиёз ва иммунитетлари жўнаб кетгунларига қадар сақланиб қолади.

4. Бироқ консуллик мансабдор шахси ёки консуллик хизматчиси томонидан ўзининг вазифаларини бажариш жараёнида амалга ошираётган ҳаракатларига нисбатан юрисдикциядан иммунитет маълум бир муддат билан чекланмаган ҳолда амал қилади.

5. Консуллик муассасаси ходими вафот этган ҳолда, унинг оила аъзолари берилган имтиёз ва иммунитетлардан қабул қилувчи давлатдан чиқиб кетгунга қадар ёки қабул қилувчи давлатдан чиқиб кетиш учун оқилона муддат ўтгунга қадар, бундан нима аввалроқ бўлганлигига қараб, фойдаланишда давом этадилар.

31-модда

Қабул қилувчи давлат қонунларини ҳурмат қилиш

1. Имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланувчи ҳар бир шахс ўзининг имтиёз ва иммунитетларига зиён етказмасдан қабул қилувчи давлат қонунларини ҳурмат қилиши шарт. Шунингдек, у бу давлатнинг ички ишларига аралашмаслиги лозим.

2. Консуллик биноларидан консуллик вазифаларини бажаришга тўғри келмайдиган мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

3. Ушбу модданинг 2-бандидаги қоидалар бинонинг консулхона жойлашган қисмида консуллик муассасаси фойдаланаётган хоналардан бўлак равишда ажратилган девонхона ва бошқа идора ёки ташкилотни жойлаштириш эҳтимолини инкор қилмайди. Бу ҳолда бундай девонхоналар ушбу Конвенцияга муфовиқ консуллик муассасасининг қисми бўлиб ҳисобланмайди.

4. Консуллик муассасаси ходимлари йўл транспорт воситалари, кема ва ҳаво кемасидан фойдаланиш туфайли учинчи шахсга етказилиши мумкин бўлган зарардан суғурта қилиш борасидаги қабул қилувчи давлатнинг қонунларидан келиб чиқадиган барча талабларга риоя қилишлари шарт.

5. Консуллик мансабдор шахслари шахсий даромад олиш мақсадида қабул қилувчи давлатда тижорат ва касбий фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

6. Ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлар:

а) қабул қилувчи давлатда даромад олиш мақсадида хусусий фаолият билан шуғулланувчи консуллик хизматчиси ёки хизмат қилувчи ходимга нисбатан;

б) ушбу банднинг а-кичик бандида кўрсатилган шахснинг оила аъзолари ёки шахсий уй хизматчиларига нисбатан;

в) консуллик муассасаси ходимининг даромад олиш мақсадида қабул қилувчи давлатда хусусий фаолият билан шуғулланувчи оила аъзоларига нисбатан берилмайди.

32-модда

Қабул қилувчи давлат фуқаролари ва унда доимий яшовчи шахслар

1. Агар қабул қилувчи давлат фуқароси ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик мансабдор шахсга қабул қилувчи давлат қўшимча афзаллик, имтиёз ва иммунитетларни тақдим этмаса, улар 21-модданинг 3-бандида назарда тутилган ўзининг фаолиятини амалга ошириш чоғида расмий ҳаракатларга ва имтиёзларга нисбатан юрисдикциядан иммунитетни ва шахсий дахлсизлигидан фойдаланади.

Агар ушбу консуллик мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш, суд иши кўзғатилган бўлса, консуллик ҳаракатларини амалга оширишда имкон даражасида таъсир этмаслиги лозим, ҳибсга олиш ёки ушлаш ҳоллари бундан мустасно.

2. Агар қабул қилувчи давлат фуқаролари ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик муассасасининг бошқа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган консуллик мансабдор шахснинг оила аъзолари фақат қабул қилувчи давлат томонидан тақдим этилган даражасидаги афзаллик, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар. Қабул қилувчи давлат фуқаролари ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик муассасаси ходимларининг оила аъзолари ҳам қабул қилувчи давлат томонидан тақдим этилган даражасидаги афзаллик, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

Лекин қабул қилувчи давлат ушбу шахсларга нисбатан ўз юрисдикцияни амалга оширишда консуллик муассасаси вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

33-модда

Консуллик вазифаларини бажариш

Консуллик вазифалари консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади. Ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ консуллик вазифалари дипломатик ваколатхоналар томонидан ҳам бажарилади.

34-модда

Дипломатик ваколатхоналар томонидан консуллик вазифаларининг бажарилиши

1. Ушбу Конвенция қоидалари дипломатик ваколатхоналар томонидан консуллик вазифалари бажарилган ҳолларда, вазиятдан келиб чиқиб татбиқ қилинади.
2. Консуллик вазифаларни бажариш топширилган дипломатик ваколатхона ходимларининг исми ва фамилиялари қабул қилувчи давлат Ташқи ишлар вазирлигига ёки ушбу вазирлик томонидан кўрсатилган органга хабар қилинади.
3. Консуллик вазифаларни бажариш доирасида дипломатик ваколатхона, қабул қилувчи давлатнинг ҳам маҳаллий, ҳам марказий маъуриятларига қабул қилувчи давлат конунлари ва анъаналари рухсат берган даражада мурожаат қилиши мумкин.
4. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган дипломатик ваколатхона ходимларининг имтиёз ва иммунитетлари дипломатик алоқаларга тегишли халқаро ҳуқуқ нормалар билан белгиланади.

35-модда

Консуллик вазифаларининг консуллик округида ва ташқарисида, учинчи давлатда ёки учинчи давлат номидан бажарилиши

1. Консуллик мансабдор шахс ўз консуллик округида ушбу Конвенцияда кўрсатилган консуллик вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга. Консуллик мансабдор шахс юборувчи давлат томонидан топширилган, қабул қилувчи давлат конунларига зид бўлмаган ёки қабул қилувчи давлатнинг ҳеч қандай эътирози бўлмаган ёки ушбу ҳаракатлар юборувчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасида ҳаракатдаги халқаро шартномаларда назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.
2. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлат розилигига биноан консуллик вазифаларини ўзининг консуллик округидан ташқарида ҳам бажариши мумкин.
3. Агар қабул қилувчи давлатнинг қатъий қаршилиги бўлмаса, юборувчи давлат манфаатдор давлатларни хабардор қилганидан сўнг қабул қилувчи давлатда очилган консуллик муассасасига учинчи давлатда консуллик функцияларини бажаришни топшириши мумкин.
4. Агар қабул қилувчи давлатнинг эътирози бўлмаса, юборувчи давлат консуллик муассасаси қабул қилувчи давлатни хабардор қилганидан сўнг ушбу давлатда учинчи давлат номидан консуллик вазифаларни бажариши мумкин.

36-модда

Юборувчи давлат, унинг фуқаролари ва юридик шахсларининг манфаатларини ҳимоя қилиш

Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлатда халқаро нормалар доирасида юборувчи давлат, унинг фуқаролари ва юридик шахслари манфаатларини ҳимоя қилади.

37-модда

Юбуровчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш

Консуллик мансабдор шахс юбуровчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги савдо, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, туристик, экологик, илмий-техникавий, ахборот, маданий, инсонпарварлик, спорт ва бошқа алоқаларини ривожлантиришга ҳамда улар ўртасидаги дўстона муносабатларни бошқа йўллар билан ривожлантиришга кўмаклашади.

38-модда

Ахборот соҳасидаги вазифалари

Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлатдаги савдо, иқтисодий, маданий ва фан соҳасидаги ривожланиш ва унинг шароитларини барча қонуний йўллар билан аниқлаши, булар тўғрисида юбуровчи давлат ҳукуматини хабардор қилиши ҳамда манфаатдор шахсларга маълумот тақдим этиши мумкин.

39-модда

Паспортлар ва визалар билан боғлиқ вазифалари

Консуллик мансабдор шахс юбуровчи давлат фуқароларига паспортини ёки бошқа чет эл сафар ҳужжатларни бериш, бекор қилиш, унга ўзгартириш киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш, олиб қўйиш ёки ушлаб туриши, шунингдек юбуровчи давлат ҳудудига бориш учун визаларни бериш, амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиши ҳамда юбуровчи давлат қонунларига мувофиқ уларга керакли ўзгартиришлар киритиши мумкин.

40-модда

Юбуровчи давлат фуқаролари билан алоқалар ва ушбу фуқароларга ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш

Консуллик мансабдор шахс:

а) ўзининг консуллик округида юбуровчи давлат фуқаролари билан эркин муносабатда бўлиш, уларга маслаҳатлар бериш ва ҳар қандай ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, шу билан бирга уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ёки ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун чоралар кўриши.

Қабул қилувчи давлат юбуровчи давлат фуқароларининг консуллик мансабдор шахс билан алоқаларини ҳеч қандай йўл билан чегараламайди ва уларнинг консуллик муассасасига киришларига тўсқинлик қилмайди;

б) қабул қилувчи давлатда амалда бўлган амалиёт ва тартибни инобатга олган ҳолда, юбуровчи давлат фуқаролари ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қила олмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра қабул қилувчи давлат қонунларига биноан ушбу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чегаралашда олдиндан кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги кўрсатмаларни олиш мақсадида юбуровчи давлат фуқароларининг суд ёки бошқа органлар олдидаги вакиллигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши.

Шахс олдидаги вакиллик ушбу шахс ўзининг вакилини тайинлаганидан ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз қўлига олганидан сўнг тугатилади;

в) юбуровчи давлат фуқароларининг яшаш шароитини ёки уларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида уларнинг яшаш жойларини аниқлашда ҳамда

бедарак йўқолган шахсларни қидириб топишда ваколатли органларга мурожаат қилиши мумкин.

41-модда

Юборувчи давлат фуқароларини ҳибсга олиш ва уларни ушлаш борасидаги вазифалар

1. Агар юборувчи давлатнинг бирон-бир фуқароси консуллик округи ҳудудида ҳибсга олинган бўлса, у ҳолда қабул қилувчи давлат ваколатли органлари бу ҳақда кечиктирмасдан юборувчи давлат консуллик муассасасини хабардор қилади.

2. Юборувчи давлатнинг ҳибсга олинган фуқаросини ушбу консуллик муассасаси номига йўллаётган ҳар қандай мурожаати қабул қилувчи давлат ваколатли органлари томонидан кечиктирилмасдан билан етказилади.

3. Консуллик мансабдор шахс юборувчи давлатнинг ҳибсдаги фуқароси билан суҳбат ўтказиш, унга хабарларни ва бошқа почта жўнатмаларини топшириш ёки уларни олиш ҳамда унинг юридик вакилликни таъминлаш чораларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қабул қилувчи давлат ушбу учрашувларнинг биринчисига рухсатни имкон қадар қисқа муддат ичида беради.

Кейинга учрашувларга рухсат қабул қилувчи давлат қонунчилиги доирасида берилади.

4. Консуллик мансабдор шахслари юборувчи давлатнинг фуқароси номидан ҳар қандай чоралар кўришдан, агар мазкур фуқаро консуллик консулхона мансабдор шахсининг иштирокида очикдан-очик бундай ҳаракатларга эътироз билдирса, бета-раф қолади.

5. Қабул қилувчи давлат юборувчи давлатнинг ҳибсдаги ёки судга ҳавола қилинган ёки бошқа иш кўришга тааллуқли бўлган фуқароларини ушбу модданинг қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

6. Ушбу моддада ҳибсдаги шахс ўз ичига қабул қилувчи давлат ҳудудида қўриқда сақланаётган, ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган, шахс эркинлигини чегараловчи шу каби бошқа ҳолатларни назарда тутати.

7. Ушбу моддада баён қилинган ҳуқуқлар, назарда тутилган мўлжалланган мақсадларга тўлиқ эришиш имконини берган тақдирда, қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

42-модда

Нотариус вазифаларини бажариш

Агар ушбу ҳаракатлар қабул қилувчи давлат қонунларига зид бўлмаса, консуллик мансабдор шахс юборувчи давлат қонунларига таянган ҳолда нотариус вазифаларини бажаради.

43-модда

Меросга дахлдор вазифалар

1. Қабул қилувчи давлат ваколатли органлари мавжуд мерос мулки, агар вафот этган шахс юборувчи давлат фуқароси бўлса, ҳамда вафот этган шахс фуқаролигидан қатъи назар, қолдирилган мулк меросхўри юборувчи давлат фуқароси бўлса, мерос мулки, меросхўрлар ва васиятнома тўғрисидаги тўлиқ маълумотни консуллик мансабдор шахсга зудлик билан хабар қилинади.

2. Консуллик мансабдор шахсининг қабул қилувчи давлат ҳудудида меросга

дахлдор вазифалари қабул қилувчи давлат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ белгиланади.

44-модда

Фуқаролик ҳолати масалаларига дахлдор вазифалар

1. Консуллик мансабдор шахс:
 - а) юборувчи давлат фуқароларининг туғилиш ва ўлимини қайд этиш;
 - б) шахсларнинг никоҳларини қайд этиш, агар никоҳ аҳдини расмийлаштираётган ҳар иккаласи юборувчи давлат фуқароси бўлса ва бу унинг қонунларига зид бўлмаса;
 - в) туғилиш, ўлим ва никоҳ тўзиш борасидаги ҳамда юборувчи давлат фуқароларининг оилавий аҳволини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга.
2. Агар қабул қилувчи давлат қонунлари талаб қилса, консуллик мансабдор шахс у томонидан амалга оширилган, ушбу модданинг 1-банди а-, б- ва в-кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатлар тўғрисида қабул қилувчи давлат ваколатли органларига хабар қилади.
3. Ушбу модданинг 1-банди а- ва б-кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар манфаатдор шахсларнинг қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

45-модда

Васийлик ва ҳомийлик

1. Қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари тасарруфида тегишли ахборот бор бўлган тақдирда улар ваколатли консулхона муассасасини кечиктирмасдан васий ёки ҳомийни тайинлаганда юборувчи давлат фуқароси бўлган вояга етмаган ёки лаёқати чекланган шахс манфаатларига жавоб берувчи ҳар қандай ҳол ҳақида хабар қилишлари лозим.
2. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлат ваколатли органларига васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш учун мос келувчи шахс таклифини киритиш ҳуқуқига эга.

46-модда

Суд топшириқларини бажариш, судга тааллуқли ва бошқа ҳужжатларни узатиш

Консуллик мансабдор шахс консуллик округи ҳудудида бўлган юборувчи давлат фуқароларига нисбатан суд чақурув қоғозлари ва судга тааллуқли бошқа ҳужжатларни етказиш билан боғлиқ суд топшириқларини бажаради.

Топшириқлар қабул қилувчи давлат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаган усул билан амалга оширилади.

47-модда

Юборувчи давлат ҳаво кемаларига ёрдам кўрсатиш

1. Консуллик мансабдор шахс консуллик округи доирасида қабул қилувчи давлатнинг аэропортларида бўлган юборувчи давлат ҳаво кемаларига тегишли ёрдам ва кўмак кўрсатиш ҳуқуқига эга.
2. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилган

ҳолда ҳаво кемаси бортига чиқиши, унинг командири ва экипаж аъзолари билан алоқа ўрнатиш ҳуқуқига эга.

3. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органларига юборувчи давлат ҳаво кемаси ҳамда унинг командири, экипаж аъзолари ва йўловчилар билан боғлиқ барча масалалар юзасидан ўз вазифаларини бажаришда муурожаат қилиши ва улардан кўмак сўраши мумкин.

48-модда

Командир ва экипаж аъзоларига ёрдам кўрсатиш

1. Консуллик мансабдор шахс консуллик округи доирасида қабул қилувчи давлат қонунларига зид бўлмаган даражадаги қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

а) юборувчи давлат ҳаво кемаси бортида содир бўлган ҳар қандай тўқнашувларни ҳар томонлама текшириб кўриш, ушбу тўқнашувлар муносабати билан командир ва экипажнинг ҳар қандай аъзосини сўроқ қилиш, парвоз ҳужжатларини текшириш, илтимосларни қабул қилиш, ҳаво кемасининг рейслари ва унинг етиб бориш пунктлари тўғрисидаги маълумотларни олиш, ҳамда унинг парвози, қўниши ва тўхтаб туришини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган ёрдамлар бериш;

б) командир ва экипаж аъзолари ўртасидаги баҳсларни ҳал қилиш;

в) юборувчи давлат фуқаролари бўлган командир, экипаж аъзолари ва йўловчиларга имкон қадар тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ва уларни юборувчи давлатга қайтиш чораларини таъминлаш;

г) юборувчи давлат ҳаво кемаси, унинг экипаж аъзолари, йўловчилари ёки унинг юки хусусидаги юборувчи давлат қонунларига мувофиқ турли хил аризаларни ёки бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, тузиш, тасдиқлаш ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш;

д) юборувчи давлат парвоз билан боғлиқ қонунларига риоя қилишни таъминлаш мақсадида бошқа чораларни кўриш.

2. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилган ҳолда, командир ёки экипажнинг ҳар қандай аъзоларига ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органларида ҳамроҳлик қилиш ҳуқуқига эга.

49-модда

Юборувчи давлат ҳаво кемасида тергов олиб бориш ёки мажбурий чоралар кўриш ҳолларида манфаатларни ҳимоя қилиш

1. Агар қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органлари юборувчи давлат ҳаво кемасида мажбурий чоралар кўриш ёки тергов олиб бориш истаги мавжуд бўлса, у ҳолда, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари бу ҳақда консуллик мансабдор шахсни кўрилаётган ушбу чораларда иштирок этиш имконини бериш мақсадида олдиндан хабардор қилади. Агар консуллик мансабдор шахс ушбу чораларни кўришда иштирок этмаса, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари унинг илтимосига биноан бу ҳақда унга ёзма равишда хабардор қиладилар. Агар зудлик билан чора кўрилиши лозим бўлган ҳолат консуллик мансабдор шахсга бу тўғрисида олдиндан хабар қилиш имкони бермаса, у ҳолда қабул қилувчи давлат ваколатли органлари консуллик мансабдор шахсга унинг илтимоси бўлмаган тақдирда ҳам қисқа фурсатда ушбу факт ва кўрилган чоралар тўғрисидаги тўлиқ маълумотни ёзма равишда хабар қилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидалари, шунингдек қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари юборувчи давлат ҳаво кема командири ёки экипажнинг бирон-бир аъзосини ҳаво кемага тааллуқли масалалари юзасидан соҳилга чақирган ҳолда ҳам амал қиладилар.

3. Консуллик мансабдор шахс ёки ҳаво кемаси командири илтимоси билан ёки рухсати бўлган ҳоллардан ташқари, қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органлари ҳаво кемасининг экипаж аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлари, меҳнат муносабатлари, ҳаво кемаси бортидаги интизом ва ички мазмундаги бошқа тартибларга тааллуқли бўлган масалаларга ҳаво кемаси бортидаги ички ишларига аралашмайди. Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда қабул қилувчи давлатнинг тинчлиги ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар бузилмаслиги лозим.

4. Аммо ушбу модданинг қоидалари божхона кўриги, чегара ва санитар назорати билан боғлиқ оддий чораларга ёки қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органларининг ҳаво кеманинг командири илтимоси ё розилиги билан кўриладиган бошқа чораларига нисбатан қўлланмайди.

Ушбу модда Аҳдлашувчи Томонларнинг улар ўртасида амалдаги кўп томонлама ва икки томонлама шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

50-модда

Юборувчи давлат ҳаво кемаси зарар олган ҳолларда ёрдам кўрсатиш

1. Агар қабул қилувчи давлат ҳудудида юборувчи давлат ҳаво кемаси ҳалокатга учраганида ёки бошқа фалокат юз берганида ёки қабул қилувчи давлат ҳудудида топилган учинчи давлат ҳаво кемаси юкининг таркибий қисми талофат кўрган ва бу юк эгаси юборувчи давлат фуқароси бўлса ёки қабул қилувчи давлат ҳукумати-га берилган бўлса, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари консуллик мансабдор шахсга ушбу ҳақида маълум қиладилар ва ҳаво кемаси йўловчиларини, экипажини ва унинг юкини қутқариш борасида қилинган чоралар тўғрисида қисқа вақт ичида хабар берадилар.

2. Консуллик мансабдор шахс фалокатга учраган юборувчи давлат ҳаво кемасига, унинг экипаж аъзоларига ва юборувчи давлат фуқаролари бўлган йўловчиларга ҳар қандай ёрдам кўрсатиши мумкин. Ушбу мақсадларда у қабул қилувчи давлат ваколатли органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин.

3. Агар юборувчи давлатга тегишли бўлган ҳаво кемаси ёки бошқа нарса ҳалокатга учраб қабул қилувчи давлат ҳудудида топилган бўлса ва унинг командири ҳам, эгаси ҳам ва агенти ҳам мулкни қўриқлаш ёки уни тасарруф қилиш учун зарур чора кўриш ҳолатида бўлмаса, юборувчи давлат консуллик мансабдор шахси унинг эгаси кўриши мумкин бўлган чораларни эгаси номидан бажаришга ваколатли ҳисобланади.

51-модда

Юборувчи давлат кемаларига нисбатан вазифалар

Ушбу Конвенциянинг 47-50-моддалари Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдо учун кемада сузиш ҳақидаги ҳар қандай халқаро битимларга зид бўлмаган даражада юборувчи давлат кемаларига нисбатан ҳам қўлланилади.

52-модда

Қабул қилувчи давлат органлари билан муносабат

Консуллик мансабдор шахс ўз вазифаларини бажариш жараёнида қуйидагиларга муурожаат қилиши мумкин:

- а) консуллик округида жойлашган қабул қилувчи воколатли маҳаллий органларига;
- б) қабул қилувчи давлат қонунлари ва одатлари ёки тегишли халқаро шартномалар рухсат берган даражада қабул қилувчи марказий органларига.

53-модда

Консуллик йиғимлари

1. Консуллик муассасаси қабул қилувчи давлат ҳудудида юборувчи давлат қонунларида назарда тутилган консуллик йиғимларини ундириши мумкин.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма хизмат учун оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи эслатилган Давлатда солиққа тортилади, агар:

а) олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда исталган кўриб чиқиладиган тақвимий йилда бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлиб турса; ва

б) тақдирлаш ҳақлари бошқа Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланадиган бўлса; ва

с) тақдирлаш ҳақлари бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ўз зиммасига олмаса.

3. Ушбу модданинг юқоридаги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз, дарё, ҳаво кемалари бортида ёки темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларида амалга ошириладиган ёлланиш бўйича оладиган тақдирлаш ҳақлари ана шу Давлатда солиққа тортилади.

16-модда

Директорларнинг гонорарлари

Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компаниянинг директорлар Кенгаши аъзоси сифатида оладиган директорлар гонорарлари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 14- ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган шахсий фаолиятдан оладиган даромадлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Башарти, санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятдан олинадиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилса, бу даромад санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

3. 1- ва 2-банд қоидалари спортчи ёки санъат ходимининг Аҳдлашувчи Давлатлар ўртасида тузиладиган маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар доирасида амалга ошириладиган фаолиятдан оладиган даромадларга нисбатан тааллуқли эмас.

18-модда

Нафақалар

Аҳдлашувчи Давлат резидентига аввалги ёллаш бўйича тўланадиган нафақа ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

19-модда
Ҳукумат хизмати

1. Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шу Давлатга ёки унинг маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматларига нисбатан жисмоний шахсга тўланадиган иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

Бирок, бундай иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари, агар хизматлар ана шу Давлатда шу Давлатнинг резиденти бўлган жисмоний шахс томонидан амалга оширилса, у шу Давлатнинг фуқароси бўлиши ёки ушбу хизматни амалга ошириш учун шу Давлатнинг резиденти бўлган бўлмаса ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин.

2. 15-, 16- ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилган тадбиркорлик фаолияти муносабати билан кўрсатилган хизматларга нисбатан тўланадиган маош, иш ҳақи ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари ва нафақаларга нисбатан қўлланади.

20-модда
Талабалар, ўқитувчилар ва илмий ходимлар

1. Аҳдлашувчи Давлатга келиш арафасида ёки ундан олдин бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ва бўлиб турган ҳамда биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи фақатгина ўқиш ёки таълим олиш мақсадида бўлиб турган талаба ёки стажёр томонидан олинадиган ва яшаш, ўқиш ва таълим олиш учун мўлжалланган тўловлар, бундай тўловлар ана шу Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан вужудга келиши шарти билан ушбу Давлатда солиққа тортилмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг фуқаролари бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда икки йилдан ошмайдиган давр мобайнида ўқитиш ва илмий фаолият билан шуғулланиш мақсадида бўлиб турган ўқитувчи ёки инструкторлар томонидан олинадиган тақдирлаш ҳақлари, шу Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан вужудга келиши шарти билан ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортишдан озод этилади.

Ушбу банд, агарда бундай илмий фаолият шахс ёки корхоналар фойдаси учун тижорат мақсадларида амалга оширилаётган бўлса, тақдирлаш ҳақлари ва даромадларга нисбатан қўлланмайди.

21-модда
Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида айтилмаган даромад турлари, даромаднинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банднинг қоидалари 6-модданинг 2-бандида кўрсатилган кўчмас мулкдан олинган даромаддан ташқари даромадларга нисбатан, агарда бундай даромад эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали ўз фаолиятини амалга оширса ёки у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга оширса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки база билан боғланган бўлса, қўлланмайди. Бундай ҳолатда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари қўлланилади.

22-модда
Капитал

1. 6-моддада эслатиб ўтилган кўчмас мол-мулкдан иборат бўлган, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Кўчар мулкдан иборат бўлиб, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этган ёки бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш мақсадида унга қулай бўлган доимий база билан боғлиқ бўлган кўчар мулкдан иборат бўлган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг ўз мулки бўлган ва халқаро ташишларда фойдаланадиган денгиз, дарё ёки ҳаво кемалардан, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларидан иборат бўлган ёки шундай денгиз, дарё ёки ҳаво кемалардан, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулкдан иборат капитали фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча элементлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

23-модда

Икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик

1. Қачонки, бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки мол-мулкка эга бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин, бунда биринчи эслатиб ўтилган Давлат қуйидагиларга рухсат бериши лозим:

а) шу резидентнинг даромад солиғидан ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тўланган даромад солиғига тенг миқдорни чегириб ташлашга;

б) шу резидентнинг капитал солиғидан ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тўланган капитал солиғига тенг миқдорни чегириб ташлашга.

Бундай чегирмалар, ҳар қандай ҳолатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки капиталга тегишли чегирмадан олдин ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи қисмидан ошиб кетмаслиги керак.

2. Қачонки, Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан олинган ва у эга бўлган даромад ёки капитал ушбу Битимнинг бирон-бир қондасига мувофиқ, ана шу Давлатда солиққа тортишдан истисно қилинган бўлса, шу бошқа Давлат ана шу резидент даромади ёки капиталининг қолган қисмига солиқ миқдорини ҳисоблашда даромад ёки капиталининг солиққа тортишдан истисно қилинган миқдорини ҳисобга олиши мумкин.

24-модда

Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда шу бошқа Давлатнинг фуқаролари айнан ўхшаш шароитларда дучор бўладиган ёки дучор бўлиши мумкин бўлган солиққа тортиш ва у билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан мушкулроқ бўлган ҳар қандай солиққа тортиш ва у билан боғлиқ мажбуриятларга дучор қилинмайдилар.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга

бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлатнинг айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарини солиққа тортишдан кўра ёмонроқ бўлмайди.

3. Капитали тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёки улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонаси шу Давлатда, шу Давлатнинг шундай корхоналари дучор бўлган ёки дучор бўлиши мумкин бўладиган ҳар қандай солиққа тортиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга, бошқа ёки солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга дучор қилинмайди.

4. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланишидан ташқари ҳолларда бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлари, роялтилари ва бошқа тўловлари шундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида биринчи эслатилган Давлат резидентига тўланганида қўлланиладиган бир хил шартлар асосида чегириб ташланади. Шунга ўхшаш, бир Аҳдлашувчи Давлат корхоналарининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларига бўлган ҳар қандай қарзларини шу корхонанинг солиққа тортиладиган мол-мулкни аниқлаш мақсадида биринчи эслатиб ўтилган Давлат резидентига бўлган қарзлар каби худди шундай шароитларда чегириб ташланади.

5. Ушбу модда қоидаларига Аҳдлашувчи Давлатни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига, ўз шахсий резидентларининг фуқаролик мақоми ёки оилавий жавобгарлиги ҳисобига бериладиган солиққа тортиш бўйича қандайдир шахсий имтиёзлар, озод этиш ва чегирмаларни беришга мажбурловчи тарзда қаралмайди.

25-модда

Ўзаро келишув тартиблари

1. Бир Агар Аҳдлашувчи Давлат резиденти бир ёки иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг ҳаракати унга ушбу Битим қоидаларига мувофиқ келмайдиган солиққа тортишга олиб келади, ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунларида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки унинг ҳолати 24-модданинг 1-бандига тааллуқли бўлса, ўзи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бундай ариза ушбу Битим қоидаларига номувофиқ солиққа тортишга олиб келувчи ҳаракат тўғрисида биринчи билдириш берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида берилиши керак.

2. Ваколатли орган, агар эътирозни асосли деб топса ва ўзи эътирозни қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани ушбу Битимга мувофиқ келмайдиган солиққа тортишдан қочиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ва иккиланишларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Улар, шунингдек Битимда кўзда тутилмаган ҳолларда икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш учун бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушунишида ҳамфикрликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан тўғридан-тўғри ёки уларнинг ўзлари ёки уларнинг вакиллари қатнашадиган қўшма комиссия доирасида алоқада бўлиб туришлари мумкин.

26-модда
Ахборот алмашиш

1. Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш учун ёки Ахдлашувчи Давлатларнинг солиққа тортишга тегишли қонунларидан ушбу Битимга зид келмайдиган даражада фойдаланиш мақсадида зарур ахборотларни алмашиб турадилар. Ахборот алмашиш 1-модда билан чекланмайди. Ахдлашувчи Давлат томонидан олинган ҳар қандай ахборот, ушбу Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ, махфий ҳисобланади ва фақат аниқлаш ёки ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан боғлиқ ёки солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқиш билан боғлиқ шахслар ёки органларгагина (жумладан, судлар ва маъмурий органларга ҳам) очилади. Бундай шахс ёки органлар ахборотдан фақат шундай мақсадлар учун фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очиқ суд мажлисида ёки юридик қарорлар қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда 1-банд қоидалари Ахдлашувчи Давлатлардан бирини қўйидагиларга мажбурловчи тарзда талқин қилинмайди:

- а) у ёки бу Ахдлашувчи Давлат қонунлари ёки маъмурий амалиётига зид маъмурий чоралар ўтказишга;
- б) у ёки бу Ахдлашувчи Давлат қонунлари ёки одатдаги маъмурий амалиётга мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этишга;
- с) ҳар қандай савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ё касб сири ёки савдо жараёнини очиб ташловчи ёхуд очилиши Давлат сиёсатига (жамоат тартибига) зид келувчи ахборотни тақдим этишга.

27-модда

Дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасалари ходимлари

Ушбу Битимнинг ҳеч бир қоидаси дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасалар ходимларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

28-модда

Кучга кириши

Ахдлашувчи Давлатларнинг ҳар бири ушбу Битимнинг кучга кириши учун ички қонунларига мувофиқ талаб қилинадиган процедураларнинг тугаганлиги тўғрисида бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар. Ушбу Битим шундай хабарнома олинган кундан кейин қўйидагиларга нисбатан амал қила бошлайди:

а) Битим кучга кирадиган кундан кейинги биринчи ёки ўттизинчи кундан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромад манбаидан ундириладиган солиқларга нисбатан:

б) Битим тадбиқ этиладиган бошқа солиқларга нисбатан:

(i) Ўзбекистон Республикасида Битим кучга кирадиган йилдан кейин келадиган тақвимий йилда 1 январдан, хижранинг 11 кунига тўғри келадиган кундан кейин бошланадиган ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган шундай солиқларга нисбатан;

(ii) Эрон Ислом Республикасида Битим кучга кирадиган йилдан кейин келадиган тақвимий йилда 21 мартдан, хижранинг 1 фарвардиндан ёки ушбу санадан кейин бошланадиган ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган шундай солиқларга нисбатан.

29-модда

Амал қилишининг тўхтатилиши

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатлардан бири амал қилишини тўхтатмагунча ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Битимнинг амал қилишини Битим кучга кирган кундан кейин беш йил ўтгач бошланадиган ҳар қандай тақвимий йилнинг тугашига камида олти ой қолгунига қадар дипломатик каналлар орқали амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома бериш йўли билан Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин.

Бундай ҳолатда Битимнинг амал қилиши:

а) хабарнома берилган кундан кейинги биринчи ёки ўттизинчи кундан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромад манбаидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) Битим тадбиқ этиладиган бошқа солиқларга нисбатан:

(i) Ўзбекистон Республикасида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган тақвимий йилда 1 январдан, ҳижранинг 11 кунидан ёки ушбу санадан кейин бошланадиган ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган шундай солиқларга нисбатан;

(ii) Эрон Ислом Республикасида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган тақвимий йилда 21 мартдан, ҳижранинг 1 фарвардиндан ёки ушбу санадан кейин бошланадиган ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган шундай солиқларга нисбатан.

Ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли тартибда ваколат берилган қуйидаги имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, ушбу Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2002 йил 26 апрелда, ҳижрий 1381 йил ўрдибехешт ойининг 6 кунида икки нусхада, ҳар бири ўзбек, форс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Талқин қилишда ҳар қандай келишмовчиликлар вужудга келган ҳолларда асос учун инглиз тилидаги матн қабул қилинади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*

**между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Федеративной Республики Германия
о финансовом сотрудничестве на 2004 год**

(Вступает в силу 18 января 2005 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Федеративной Республики Германия,

действуя в духе сложившихся между Республикой Узбекистан и Федеративной Республикой Германия дружественных отношений,

* Вступает в силу со дня подписания.

желая укреплять и углублять эти дружественные отношения путем партнерского финансового сотрудничества,

сознавая, что поддержание этих отношений лежит в основе настоящего Соглашения,

намереваясь внести вклад в социально-экономическое развитие Республики Узбекистан,

ссылаясь на Протокол итогов межправительственных консультаций о двустороннем сотрудничестве в области развития на 2004 г. между Федеративной Республикой Германия и Республикой Узбекистан, состоявшихся в Ташкенте в период с 31 марта по 1 апреля 2004 г., и на вербальную ноту Германского Посольства в Ташкенте № 327/04 от 24 мая 2004 г.,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

1. Правительство Федеративной Республики Германия предоставляет Правительству Республики Узбекистан и другим получателям, выбор которых оба Правительства осуществляют совместно, возможность получить от Кредитного института по восстановлению экономики (г. Франкфурт-на-Майне):

безвозвратный финансовый вклад общей суммой в 2.500.000 (прописью: два миллиона пятьсот тысяч) евро на реализацию проекта «Программа по борьбе с туберкулезом IV», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект и подтверждено, что, являясь мерой самопомощи в борьбе с нищетой, данный проект выполняет особые предпосылки, необходимые для оказания содействия посредством предоставления средств.

2. Если подтверждение, упомянутое в пункте 1 настоящей Статьи, окажется невозможным в отношении указанного там же проекта, Правительство Федеративной Республики Германия предоставит Правительству Республики Узбекистан возможность получения от Кредитного института по восстановлению экономики ссуды на финансирование данного проекта в размере до той суммы, которая была предусмотрена в качестве безвозвратного финансового вклада.

3. Указанный в пункте 1 настоящей Статьи проект по согласованию между Правительством Федеративной Республики Германия и Правительством Республики Узбекистан может быть заменен другими проектами. Если проект, указанный в пункте 1 настоящей Статьи, заменяется проектом из области охраны окружающей среды или социальной инфраструктуры либо гарантийным фондом по обеспечению кредитов для средних предприятий или мерами, направленными на улучшение положения женщин в обществе либо на развитие самопомощи в борьбе с нищетой, и если этот новый проект или эти меры отвечают особым требованиям, являющимся предпосылкой для выделения безвозвратного финансового вклада, тогда предоставление такого вклада возможно, в противном случае предоставление ссуды.

4. В случае, если Правительство Федеративной Республики Германия в более поздний срок предоставит Правительству Республики Узбекистан возможность получения от Кредитного института по восстановлению экономики дополнительных ссуд или безвозвратных финансовых вкладов с целью подготовки указанного в пункте 1 настоящей Статьи проекта, будет применяться настоящее Соглашение.

Статья 2

1. Использование указанной в пункте 1 Статьи 1 настоящего Соглашения сум-

мы, условия ее выделения, а также процедуру размещения заказов регулируют контракты, заключаемые между Кредитным институтом по восстановлению экономики и получателями безвозвратного финансового вклада в соответствии с действующим в Федеративной Республике Германия законодательством. Обязательство по предоставлению суммы, указанной в пункте 1 Статьи 1 настоящего Соглашения, теряет свою силу, если соответствующие контракты о предоставлении ссуд и финансировании не будут заключены в восьмилетний срок по истечении того года, в котором данное обязательство вступило в силу. В отношении указанной суммы этот срок кончается по истечении 31 декабря 2012 года.

2. Правительство Республики Узбекистан, если оно само не является ссудополучателем, гарантирует Кредитному институту по восстановлению экономики выполнение в евро всех платежей по обязательствам ссудополучателей в соответствии с контрактами, заключаемыми согласно пункту 1 настоящей Статьи.

3. Правительство Республики Узбекистан, если оно не является получателем безвозвратного финансового вклада, гарантирует Кредитному институту по восстановлению экономики удовлетворение возможных требований о возврате средств, которые могут возникнуть на основании контрактов о финансировании, заключаемых согласно пункту 1 настоящей Статьи.

Статья 3

Правительство Республики Узбекистан освобождает Кредитный институт по восстановлению экономики от всех налогов и других государственных сборов, взимаемых в Республике Узбекистан в связи с заключением и осуществлением контрактов, упомянутых в пункте 1 Статьи 2 настоящего Соглашения.

Статья 4

При морских, сухопутных и воздушных перевозках пассажиров и грузов, связанных с предоставлением ссуд и безвозвратных финансовых вкладов, Правительство Республики Узбекистан обеспечивает пассажирам и поставщикам свободный выбор перевозчика, не принимает никаких мер, исключающих или осложняющих равноправное участие перевозчиков с местонахождением в Федеративной Республике Германия, и, если потребуется, выдает необходимые для их участия разрешения.

Статья 5

1. Ссуда в размере 5.112.918,81 (прописью: пяти миллионов ста двенадцати тысяч девятисот восемнадцати евро и восьмидесяти одного цента) евро, предусмотренная в Соглашении между Федеративной Республикой Германия и Республикой Узбекистан на 2001 г. о финансовом сотрудничестве от 3 апреля 2001 г. на реализацию проекта «Международный центр логистики в Ташкенте», репрограммируется суммой в 1.200.000 (прописью: один миллион двести тысяч) евро и дополнительно используется на финансирование проекта «Содействие развитию системы профессионального образования», упомянутого в подпункте «а» пункта 1 Статьи 1 вышеназванного Соглашения между Федеративной Республикой Германия и Республикой Узбекистан о финансовом сотрудничестве на 2001 г. от 3 апреля 2001 г., если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

2. Ссуда в размере 5.112.918,81 (прописью: пяти миллионов ста двенадцати

тысяч девятисот восемнадцати евро и восьмидесяти одного цента) евро, предусмотренная в Соглашении между Федеративной Республикой Германия и Республикой Узбекистан на 2001 г. о финансовом сотрудничестве от 3 апреля 2001 г. на реализацию проекта «Международный центр логистики в Ташкенте», репрограммируется суммой в 800.000 (прописью: восемьсот тысяч) евро и дополнительно используется на финансирование проекта «Грузовой терминал аэропорта г. Ташкент», упомянутого в подпункте «с» пункта 1 Статьи 1 Соглашения между Федеративной Республикой Германия и Республикой Узбекистан о финансовом сотрудничестве на 2003 г. от 28 января 2004 г., если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

Статья 6

Настоящее Соглашение вступает в силу в день его подписания.

Совершено в г. Ташкенте 18 января 2005 года в двух экземплярах, каждый на русском и немецком языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида ШАРТНОМА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил
27 августдаги 673–II-сонли* қарори билан ратификация қилинган*

(2005 йил 19 январдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси, (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро алоқалар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 30 майдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида 1994 йил 2 мартдаги Декларация, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998—2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида 1998 йил 12 октябрдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида 1999 йил 11 декабрдаги Шартномада белгиланган ўзбек-россия муносабатларининг фундаментал принципларига риоя этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Хелсинки Якуний акти ҳамда Ев-

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 34-35-сон, 381-модда.

ропада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг бошқа ҳужжатларининг мақсад ва принципларига содиқликларини тасдиқлаб,

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси халқларининг анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишини ҳисобга олиб,

стратегик шерикчиликнинг Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида шартномавий-ҳуқуқий бириктирилиши барча йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашишига бўлган ишончдан келиб чиқиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Ўзаро хавфсизликни таъминлаш, глобал таҳдид ва даъватларга қарши ҳаракат қилиш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик шерикчилик Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларни узок муддатли ва ҳар томонлама ривожланишининг кучли асосини шакллантиради.

2-модда

Томонлар энг аввало олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар механизмидан фойдаланиб ҳамда уни ривожлантириб, мунтазам фикр алмашувини амалга ошириш ва икки томонлама муносабатлар масалалари, ўзаро қизиқиш уйғотувчи долзарб халқаро муаммолар бўйича позицияларни келишган ҳолда тенг ҳуқуқли стратегик шерикчиликни мустаҳкамлайдилар.

3-модда

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, унинг ихтисослаштирилган муассасаларида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида, бошқа давлатлараро тузилмаларда ўзаро фаол ҳамжиҳатлик қиладилар. Улар халқаро процедуралар доирасида ўзларининг миллий манфаатларига таъсир этувчи масалаларни кўриб чиқишида бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг кучли ва самарали тизимини яратишга қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштирадилар. Ушбу мақсадларда доимий асосда, шунингдек зарур ҳолларда хавфсизлик кенгашлари, ташқи ишлар вазирликлари ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар даражасидаги икки томонлама маслаҳатлашув механизмларини тузадилар.

4-модда

Томонлар ўзаро хавфсизлик манфаатлари ёки улардан бирининг хавфсизлик манфаатларига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолат юзага келган тақдирда, ўзаро келишувга мувофиқ позицияларни келишиш ва шундай ҳолатни тартибга солиш бўйича амалий чораларни мувофиқлаштириш учун тегишли маслаҳатлашув механизминини ишга соладилар.

5-модда

Томонлар бошқа Томоннинг суверенитети, хавфсизлигига ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларни, шу жумладан, учинчи дав-

латлар билан шартномалар тузишни амалга оширмайдилар. Ҳеч қайси Томон ўз ҳудудининг учинчи давлатлар томонидан бошқа Томоннинг давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлига зиён келтирган ҳолда фойдаланилишига йўл қўймайди.

6-модда

Терроризмга ва экстремизмнинг бошқа зўравон кўринишларига, оммавий қиргин қуролини тарқатишга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланмасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликнинг янги даъват ва таҳдидларга қарши самарали ҳаракат қилиш мақсадларида Томонлар тегишли шартнома ва битимлар, шунингдек бошқа халқаро-ҳуқуқий инструментлар асосда хавфсизлик кенгашлари, ташқи сиёсий, муҳофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ва махсус хизматлар ўртасидаги шерикчилик алоқаларини қўллаб-қувватлайдилар.

7-модда

Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни тегишли битимлар асосида амалга оширадилар. Ушбу ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

— Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига ҳарбий мақсаддаги маҳсулотларни етказиб бериш;

— Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ҳарбий техникани, бунга ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаводан муҳофаа воситалари ҳам кирази, соғлом ҳолатда сақлаш ва модернизациялаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида мавжуд саноат-техника базасидан фойдаланган ҳолда;

— Россия Федерациясининг ҳарбий ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун зобит кадрларни тайёрлаш;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қуроли кучларининг ҳарбий тайёргарлиги қўшма тадбирларини ўтказиш, шунингдек ушбу мавзудаги Томонлар ўтказадиган тадбирларда қатнашиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган инфратузилмадан фойдаланган ҳолда Ер ва космик фазони тадқиқ этиш давлатлараро космик дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик.

Икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик жараёнида яратилган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар тўғрисидаги масала тегишли ҳукуматлараро битим тузиш орқали тартибга солинади.

8-модда

Хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш мақсадларида Томонлар зарур ҳолларда бир-бирларига алоҳида битимлар асосида ўзларининг ҳудудларида жойлашган ҳарбий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадилар.

9-модда

Томонлар қуйидаги соҳалардаги интеграция ва ҳамкорликни жадал ривожлантириш мақсадида савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида келишилган саъй-ҳаракатларни бажариш мажбуриятини оладилар:

— ёнилғи-энергетика комплекси;

— авиақурилиш;

- транспорт ва коммуникация;
- банк соҳаси;
- энергетика;
- атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш.

10-модда

Томонлар ўзаролик асосида бир-бирларига ўз ҳудудларидаги инвестиций ва хусусийлаштириш лойиҳаларида иштирок этиш учун максимал қулай шароитлар яратадилар.

11-модда

Томонлар икки томонлама ва қўп томонлама асосда Марказий Осиё минтақасидаги интеграцион жараёнлар доирасида иқтисодий, гуманитар ва бошқа лойиҳа ҳамда дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик қиладилар.

12-модда

Томонлар илмий, маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқа ва алмашувларни ўрнатиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кўрсатиб ўтилган йўналишларда қўшма дастур ва тадбирларни амалга ошириш орқали гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Томонлар миллий таълим ва фан тизимларининг яқинлашувини ҳар томонлама рағбатлантирадилар. Улар ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, академик ҳамда амалий характерга эга бўлган қўшма тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашадилар.

Томонлар профессионал кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратадилар. Улар олим ва мутахассислар, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчи таркиби вакиллари, аспирантлар, стажер ва талабаларнинг мунтазам алмашувини амалга оширадилар.

Томонлар гуманитар соҳада ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

13-модда

Ушбу Шартнома учинчи мамлакатларга қарши қаратилмаган ва Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

14-модда

Ушбу Шартнома унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг Томонлар бажаргани тўғрисида охириги ёзма хабар олинган кундан бошлаб кучга киради.

15-модда

Ушбу Шартнома муддатсиз характерга эга ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабар қилмагунга қадар амал қилишдан тўхтамайди. Бу ҳолда, Шартнома бошқа Томон шундай хабарномани олган санадан бошлаб ўн икки ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

Тошкент шаҳрида, 2004 йил 16 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

(имзолар)

ДОГОВОР **о стратегическом партнерстве между Республикой** **Узбекистан и Российской Федерацией**

*Ратифицирован постановлением Олий Мажлиса Республики
Узбекистан от 27 августа 2004 года № 673-III**

(Вступает в силу 19 января 2005 года)

Республика Узбекистан и Российская Федерация, далее именуемые Сторонами,

руководствуясь фундаментальными принципами узбекско-российских отношений, заложенными в Договоре об основах межгосударственных отношений, дружбе и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 30 мая 1992 года, Декларации о развитии и углублении всестороннего сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 2 марта 1994 года, Договоре между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией об углублении экономического сотрудничества на 1998—2007 годы от 12 октября 1998 года, Договоре между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией о дальнейшем углублении всестороннего сотрудничества в военной и военно-технической областях от 11 декабря 1999 года,

подтверждая приверженность целям и принципам Устава Организации Объединенных Наций, Хельсинкского Заключительного акта и других документов Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе,

учитывая взаимное стремление народов Республики Узбекистан и Российской Федерации к поддержанию и дальнейшему укреплению традиционных отношений дружбы и сотрудничества,

исходя из убеждения, что договорно-правовое закрепление стратегического партнерства в качестве основы отношений между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией будет способствовать развитию сотрудничества на всех направлениях,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Стратегическое партнерство, нацеленное на обеспечение взаимной безопасности, противодействие глобальным угрозам и вызовам, укрепление региональной стабиль-

* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 34-35, ст. 381.

ности, расширение сотрудничества в политической, экономической и гуманитарной сферах, формирует прочную основу долгосрочного и всестороннего развития отношений между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией.

Статья 2

Стороны укрепляют равноправное стратегическое партнерство, используя и совершенствуя механизм регулярных встреч, прежде всего на высшем и высоком уровнях, проводя регулярный обмен мнениями и согласовывая позиции по вопросам двусторонних отношений, актуальным международным проблемам, представляющим взаимный интерес.

Статья 3

Стороны активно взаимодействуют в Организации Объединенных Наций, ее специализированных учреждениях, в Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, других многосторонних межгосударственных структурах. Они оказывают друг другу поддержку при рассмотрении в рамках международных процедур вопросов, затрагивающих их национальные интересы.

Стороны координируют усилия, направленные на создание прочной и эффективной системы региональной безопасности в Центральной Азии. В этих целях они образуют как на постоянной основе, так и по мере необходимости двусторонние консультационные механизмы по линии советов безопасности, министерств иностранных дел и других заинтересованных министерств и ведомств.

Статья 4

Стороны в случае возникновения ситуации, способной негативно отразиться на обоюдных интересах безопасности или интересах безопасности одной из них, по взаимному согласию приводят в действие соответствующий механизм консультаций для согласования позиций и координации практических мер по урегулированию такой ситуации.

Статья 5

Стороны не предпринимают каких-либо действий, включая заключение договоров с третьими странами, наносящих ущерб суверенитету, безопасности и территориальной целостности другой Стороны. Ни одна из Сторон не допускает использования своей территории третьими государствами в ущерб государственному суверенитету, безопасности и территориальной целостности другой Стороны.

Статья 6

В целях эффективного противодействия терроризму и иным насильственным проявлениям экстремизма, распространению оружия массового уничтожения, незаконному обороту наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, транснациональной организованной преступности и другим новым вызовам и угрозам международному миру и безопасности Стороны поддерживают партнерские связи между советами безопасности, внешнеполитическими, оборонными, правоохранительными ведомствами и специальными службами на основе соответствующих договоров и соглашений, а также иных международно-правовых инструментов.

Статья 7

Стороны осуществляют военное и военно-техническое сотрудничество на основе соответствующих соглашений. Приоритетными направлениями этого сотрудничества являются:

- поставки из Российской Федерации в Республику Узбекистан продукции военного назначения;
- поддержание в исправном состоянии и модернизация имеющейся в Республике Узбекистан военной техники, включая средства военно-воздушных сил и противовоздушной обороны, в том числе с использованием существующей на территории Республики Узбекистан производственно-технической базы;
- подготовка в военных учебных заведениях Российской Федерации офицерских кадров для Вооруженных Сил Республики Узбекистан;
- проведение совместных мероприятий боевой подготовки вооруженных сил Республики Узбекистан и Российской Федерации, а также участие в проводимых Сторонами мероприятиях по данной тематике;
- сотрудничество в осуществлении межгосударственных космических программ исследования Земли и космического пространства с использованием имеющейся на территории Республики Узбекистан инфраструктуры.

Вопрос об исключительных правах на созданные в процессе двустороннего военно-технического сотрудничества результаты интеллектуальной деятельности регламентируется путем заключения соответствующего межправительственного соглашения.

Статья 8

В целях обеспечения безопасности, поддержания мира и стабильности Стороны в необходимых случаях предоставляют друг другу на основе отдельных соглашений право использования военных объектов, находящихся на их территории.

Статья 9

В рамках торгово-экономического сотрудничества Стороны обязуются прилагать согласованные усилия в целях ускоренного развития интеграции и кооперации в следующих областях:

- топливно-энергетический комплекс;
- авиастроение;
- транспорт и коммуникации;
- банковская сфера;
- энергетика;
- мирное использование атомной энергии.

Статья 10

Стороны на основе взаимности предоставляют друг другу максимально благоприятные условия для участия в инвестиционных и приватизационных проектах на их территории.

Статья 11

Стороны взаимодействуют на двусторонней и многосторонней основе в реализации экономических, гуманитарных и других проектов и программ в рамках интеграционных процессов в центральноазиатском регионе.

Статья 12

Стороны развивают сотрудничество в гуманитарной сфере путем содействия установлению и поддержанию контактов и обменов между научными, культурными, творческими, общественными организациями и союзами, реализации совместных программ и мероприятий на указанных направлениях.

Стороны всемерно поощряют сближение национальных систем образования и науки. Они способствуют организации прямых связей между учебными заведениями, научно-исследовательскими и проектно-конструкторскими учреждениями, осуществлению совместных разработок академического и прикладного характера и с использованием передовых технологий.

Стороны создают благоприятные условия для сотрудничества в области подготовки профессиональных кадров. Они осуществляют регулярный обмен учеными и специалистами, представителями профессорско-преподавательского состава высших и средних специальных учебных заведений, аспирантами, стажерами и студентами.

Стороны содействуют дальнейшему расширению и совершенствованию договорно-правовой базы сотрудничества в гуманитарной области.

Статья 13

Настоящий Договор не направлен против третьих стран и не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

Статья 14

Настоящий Договор вступает в силу с даты последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Статья 15

Настоящий Договор имеет бессрочный характер и будет оставаться в силе до тех пор, пока одна из Сторон письменно не уведомит другую Сторону о намерении прекратить его действие. В этом случае Договор прекращает свое действие по истечении двенадцати месяцев с даты получения такого уведомления другой Стороной.

Совершено в г. Ташкенте 16 июня 2004 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом
Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил
14 июлдаги 313-сонли* қарори билан тасдиқланган*

(2005 йил 27 январдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

узок муддатли савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда тенглик, камситмаслик ва ўзаро ишончни қўллаб-қувватлаш, манфаатларни ҳурмат қилишга асосланган ҳамкорликни кенгайтириш ва ҳар томонлама ривожлантиришда ўзаро манфаатдорликларини эътиборга олиб,

Шартномалар ҳуқуқи тўғрисида 1969 йил 23 майдаги Вена Конвенцияси қоидаларига амал қилиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек хизмат кўрсатиш ҳамда икки мамлакат жисмоний ва юридик шахслари ўртасида тузилган шартномалар ушбу Битим доирасида ҳамда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг амалдаги қонунчилиги ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўз давлатлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида барча тегишли ва лозим бўлган чораларни кўрадилар.

3-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ икки давлат ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирадилар ҳамда бу мақсадда лозим бўлган шарт-шароитларни яратиб берадилар.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан сақланади ҳамда мазкур Битим доирасида ушбу мақсадни амалга ошириш учун лозим бўлган саъй-ҳаракатларни жалб этади.

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу модда қоидаларини қўллаш мақсадида лозим бўлган чораларни кўрадилар.

4-модда

Ушбу Битимга мувофиқ учинчи давлатларга амалга оширилган товарлар экспорти Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида мавжуд ёки келажакда келишиладиган аҳдлашувлар доирасида амалга оширилиши лозим.

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2003 йил, 13-сон, 111-модда.

5-модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлатларининг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томонга экспорт қилинаётган товарларга экспорт-импорт рухсатномаларини ва товарларнинг келиб чиқишига оид сертификатларни бериш мақсадида тегишли чораларни кўради.

6-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик мулкчилик ва тадбиркорликнинг ҳамкорлик шаклларида қатъий назар, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида асосан шартномалар тузиш орқали иккала Аҳдлашувчи Томон давлатларининг миллий қонунчилигига ҳамда халқаро савдо амалиёти меъёрларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳдлашувчи Томонлар уларнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан имзоланган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

7-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида товар айирбошлаш ва хизмат кўрсатиш ушбу Битим доирасида ҳамда Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли органлари тасдиқлаган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

8-модда

Ушбу Битимни қўллашда юзага келадиган савдо-сотик бўйича тўловлар халқаро банк амалиётига мувофиқ эркин муомаладаги валютада ёки Аҳдлашувчи Томон давлатларида хорижий валютани алмаштириш қоидаларига мувофиқ шартнома томонларининг ўзаро келишувига кўра ҳар қандай бошқа валютада амалга оширилади.

9-модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз хўжалик юритувчи субъектларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида ўтказиладиган халқаро ёки махсус кўргазмалардаги иштирокини рағбатлантиради.

Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ, қўйидаги товарларнинг импорт ва экспорт қилинишида божхона божлари ва солиқлардан озод қилишга рухсат берадилар:

- а) буюртмаларни рўйхатдан ўтказиш ва реклама мақсадларида товар намуналари ва ахборот материаллари;
- б) кейинчалик сотилмаслиги шарт билан доимий ва вақтинчалик кўргазмалар ҳамда ярмаркалар учун мўлжалланган товарлар.

10-модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг савдогарлари ҳамда тижорат компаниялари/муассасаларига ўзида ишлаб чиқарилган товарларни намойиш қилиш учун сотиш ҳуқуқи билан ҳар йиллик кўргазма ва ярмаркалар ўтказишга қўйидаги шартлар асосида рухсат беради:

- кўргазманинг давомийлиги 15 кундан ошмаслиги;
- савдогарлар ҳамда тижорат компаниялари/муассасалари қабул қилаётган мамлакатнинг амалдаги қонунчилиги ва қоидаларига риоя қилишлари;

— намойиш этиш учун мўлжалланган товарлар турлари ва сонини Аҳдлашувчи Томонлар тасдиқлаши;

— ушбу модда қоидалари сотиш ҳуқуқини кўзлаган кўргазма ёки ярмаркалар ўтказиш муддати ва давомийлиги хусусида Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзгача келишиб олишларига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

11-модда

Аҳдлашувчи Томонлар савдо муносабатларини кенгайтириш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ тижорат визаларини бериш ҳамда тижорат ҳужжатларини қонунийлаштириш каби консуллик масалаларини енгиллаштиришга келишиб олдилар.

12-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин этиш ва қўллаш билан боғлиқ мунозаралар маслаҳатлашувлар ва музокаралар воситасида ҳал этилиши лозим.

Мунозаралар дўстона воситалар ёрдамида ҳал этилмаган тақдирда, Томонлар халқаро меъёрларга мувофиқ қарор қабул қилишлари мумкин.

14-модда

Ушбу Битим қоидалари Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Улар ушбу Битимнинг 15-модда-сида белгиланган тартибда кучга киради.

15-модда

1. Ушбу Битим Томонлар унинг кучга кириши учун лозим бўлган тегишли давлат ички процедураларни бажарганликлари тўғрисида ёзма хабарнома алмашган сўнгги кундан кучга киради.

2. Ушбу Битим кучга кирган вақтдан бошлаб 5 йил давомида амал қилади ва автоматик тарзда келгуси беш йиллик муддатларга узайтирилади ва тегишли беш йиллик муддат тугашидан 6 ой илгари Томонлардан бири бошқа бир Томонни ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ниятини ёзма равишда хабардор қилмагунга қадар узайтирилиб борилаверади.

3. Ушбу Битим ўз кучини йўқотган тақдирда, унинг қоидалари Томонлар давлатларининг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида Битим амал қилган даврда

тузилган контрактларга нисбатан, Битим кучини йўқотгандан сўнг бир йил муддатгача татбиқ этилади.

Тошкент шаҳрида 2004 йил 29 августда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, дари ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битимни талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асосий ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона ишларида
ўзаро ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
20 октябрдаги 402-сонли қарори билан тасдиқланган*

(2005 йил 1 мартдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

яхши қўшничилик муносабатларини, шу жумладан божхона ишлари соҳасида ҳамкорлик қилиш орқали, ривожлантириш истагида,

божхона хизматлари ҳамкорлиги орқали Томонлар давлатлари ўртасида йўловчи ва юк ташишни ривожлантириш ҳамда жадаллаштиришга қўмаклашишга интилиб,

Томонлар давлатларининг божхона хизматлари ҳамкорлиги орқали божхона қонунчилигига риоя этиш ва божхона ҳуқуқбузарлигига қарши кураш янада муваффақиятли амалга оширилишини назарда тутиб,

икки давлат ўртасида аввалги қабул қилинган ҳужжатларга таяниб,
қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда
Таърифлар**

Ушбу Битимда қўлланадиган атамалар қуйидагиларни англатади:

«**божхона қонунчилиги**» — товарларни, йўловчиларнинг багаж ва юкларини, валюта ва бошқа бойликларни, халқаро почта жўнатмаларини, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилишни, божхона божи, йиғими ва бошқа тўловларни ундиришни, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар беришни, тақиқ ва чекловлар ўрнатишни, шунингдек Томонлар давлатларининг божхона чегараларидан товарларнинг ўтиши устидан назоратни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларнинг йиғиндиси;

«**божхона хизматлари**» — Томонлар давлатларининг марказий божхона органлари;

«**божхона ҳуқуқбузарлиги**» — божхона қонунчилигини бузиш ёки бузишга уриниш;

«**шахс**» — жисмоний ёки юридик шахс;

«**гиёҳвандлик воситалари**» — кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан 1961 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида Ягона конвенция рўйхатига БМТ киритган воситалар;

«**психотроп моддалар**» — 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисида конвенция рўйхатига БМТ киритган моддалар;

«**прекурсорлар**» — халқаро конвенцияларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган кимёвий ашёлар сифатида таснифланадиган моддалар ва уларнинг тузлари;

«**назорат қилиб таъминлаш**» — гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига дахлдор шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли органларни хабардор этган ҳолда ва уларнинг назорати остида Томонлар давлатларидан бирининг ҳудудига ғайриқонуний ёки ғайриқонунийликда гумон қилинаётган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар партияларини олиб кириш, олиб чиқиш ёки транзитига йўл қўйиладиган усул;

«**гувоҳнома**» — товарларнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилган мамлакат қонунчилигига мувофиқ товар ҳақиқатан расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

2-модда

Битимнинг қўлланиш доираси

Томонлар ушбу Битим асосида божхона хизматлари воситасида уларнинг ваколатлари доирасида Томонлар давлатларининг қонунчилигига риоя қилиш мақсадида қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қиладилар:

а) Томонлар давлатлари ўртасида йўловчи ва юкларни ташиш, шунингдек почта жўнатмалари устидан божхона назоратини такомиллаштириш;

б) божхона божлари, йиғимлари ва бошқа тўловларни тўғри ундиришни, шунингдек божхона имтиёзларини қўллашни таъминлаш;

в) божхона ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, текшириш ва унга йўл қўймаслик;

г) икки давлат ўртасида божхона расмийлаштиришини соддалаштириш.

3-модда

Божхона расмийлаштиришини соддалаштириш

1. Божхона хизматлари:

а) ўзаро келишув бўйича божхона расмийлаштиришини соддалаштириш бўйича зарур чораларни кўрадилар;

б) бир-бирларининг божхона белгиларини (пломбалари, муҳр, штампларнинг босма нусхалари) ва божхона ҳужжатларини тан оладилар, зарурат туғилганда ташилаётган товарларга ўзларининг божхона белгиларини қўядилар.

2. Томонлар давлатлари ўртасидаги божхона чегарасини кесиб ўтадиган товар ва транспорт воситалари, йўловчиларнинг юклари ва халқаро почта жўнатмалари, шу жумладан транзит ўтаётганлари божхона кўригидан озод этилади. Томонлар қонунчилигига мувофиқ уларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқлан-

ган ёки божхона ҳуқуқбузарлиги содир этилган деб тахмин қилиш учун асос бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4-модда **Гувоҳномаларни тақдим этиш**

1. Томонларнинг божхона хизматлари сўров бўйича бир-бирларига бир Томон ҳудудидан олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган товарлар бошқа Томон ҳудуди-га қонуний асосларда олиб кириладиганлиги ёки олиб чиқиладиганлигини тасдиқловчи гувоҳномаларни тақдим этадилар. Гувоҳномаларда товарлар қайси турдаги божхона процедураларига биноан расмийлаштирилгани ва уларнинг натижалари кўрсатилади.

2. Божхона хизматлари сўров бўйича уларга бўйсунувчи божхона органлари томонидан тақдим этилган гувоҳномалар ёки бошқа ҳужжатлар ҳақиқий эканлиги ва уларда барча зарур маълумотлар мавжудлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот тақдим этадилар.

5-модда **Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш**

1. Божхона хизматлари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорлар ноқонуний айланишининг олдини олиш, текшириш ва унга йўл қўймаслик бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида қуйидаги маълумотларни бир-бирларига сўровларсиз ва мумкин қадар қисқа муддатларда Томонлар давлатларининг қонунчилиги доирасида етказадилар:

а) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши билан шуғулланаётганлиги маълум бўлган ёки бунда гумон қилинаётган шахслар тўғрисида;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишида фойдаланилаётган транспорт воситалари, жумладан контейнерлар ва халқаро почта жўнатмалари, шунингдек уларни назорат қилишнинг янги усуллари тўғрисида.

2. Божхона хизматлари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишида қўлланиладиган усуллар, шунингдек уларни назорат қилишнинг янги усуллари тўғрисида бир-бирларини олдиндан сўровсиз хабардор қиладилар.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ, Томонларнинг бирортаси томонидан олинган маълумот, хабар ва ҳужжатлар бевосита гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза этиш ва бошқа давлат органларига берилиши мумкин.

4. Зарур ҳолларда Томонлар давлатларининг қонунчилиги асосида ва ўзаро келишув бўйича божхона хизматлари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига дахлдор шахсларни аниқлаш мақсадида уларни назорат қилинадиган етказиб бериш усулидан фойдаланадилар.

Назорат қилинадиган етказиб бериш усулларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни Томонлар ҳар бир алоҳида ҳолатда қабул қиладилар ва зарурат бўлганда Томонларнинг молиявий келишувлари ҳисобга олиниши мумкин.

6-модда
Маълумотлар бериш

1. Божхона хизматлари бир-бирларига сўров бўйича, қўйидагилар тўғрисида ўз ихтиёрларидаги маълумотларни, шу жумладан хабар, баённома ва бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган нусхаларини юбориш йўли билан, тақдим қиладилар:

а) божхона божлари, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш, шунингдек божхона имтиёзларининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида;

б) сўраётган Томон давлатининг божхона қонунчилигига зид содир этилган ёки тайёргарлик қўрилаётган ҳаракатлар тўғрисида;

2. Божхона хизматлари мумкин қадар қисқа муддатларда, шу жумладан олдиндан сўровларсиз, божхона қонунчилигининг бузилишига қарши курашда Томонларнинг алоҳида манфаатдорлиги бўлган ҳолларда бир-бирларини хабардор қиладилар. Булар биринчи навбатда қўйидагиларни ташишдаги божхона ҳуқуқбузарликларига тегишли:

а) атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган товарлар;

б) курол-яроғ, ўқ-дори, портловчи ва заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари;

в) муҳим тарихий, бадий, маданий ёки археологик қийматга эга бўлган буюмлар;

г) Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ алоҳида муҳим аҳамиятга эга ва ўта юқори божхона божлари, акциз ва бошқа солиқлар солинадиган товарлар;

д) Томонлар давлатларининг қонунларига мувофиқ алоҳида муҳим аҳамиятга эга ва иқтисодий сиёсат чораларига тортилган товарлар.

7-модда
Ҳужжатларни бериш

1. Томонлар давлатларининг божхона хизматлари ўзаро божхона масалалари бўйича амалдаги қонунчилик ёки бошқа меъёрий ҳужжатларнинг нусхаларини алмашадилар ва божхона қонунчилигидаги барча ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир-бирларини дарҳол хабардор қиладилар.

2. Бир Томон давлатининг божхона хизмати бошқа Томон давлати божхона хизматининг сўровига биноан ўз давлатлари маъмурий органларининг божхона қонунларини қўллаш масалалари бўйича қарорлари нусхасини беради.

3. Ҳужжатларни бериш тўғрисидаги сўровларда ушбу Битим 11-моддаси 2-бандининг «д» қисмида назарда тутилган талаблардан фарқли равишда масаланинг моҳияти баён этилмаслиги мумкин.

4. Олинган ҳужжатлар сўраган томон божхона хизмати томонидан олинган санани кўрсатиб тасдиқланади.

8-модда
Тажриба алмашиш ва ёрдам кўрсатиш

1. Божхона хизматлари қўйидаги маълумотларни алмашадилар:

а) ўз фаолияти ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш тажрибаси ҳақида;

б) божхона ҳуқуқбузарлигини содир этишнинг янги усул ва воситалари ҳусусида;

- в) иккала Томон манфаатини ифодоловчи бошқа божхона масалалари бўйича.
2. Томонларнинг божхона хизматлари божхона соҳасида бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар. Бу жумлага қуйидагилар киради:
- а) ўзаро манфаатли бўлган ҳолларда, шунингдек божхона хизматларида фойдаланилаётган техник воситалар билан танишиш мақсадида божхона ходимларини алмашиш;
 - б) божхона ходимларини ўқитиш махсус кўникмаларини такомиллаштириш;
 - в) божхона масалалари бўйича экспертларни алмашиш;
 - г) божхона масалаларига оид касбий, илмий ва техник маълумотларни алмашиш.

9-модда **Тергов қилиш**

1. Бир Томоннинг божхона хизмати сўрови бўйича иккинчи Томоннинг божхона хизмати ушбу Битим 2-моддасининг «б» ва «в» бандларида кўзда тутилган масалалар бўйича тергаб-текширади. Тергов-текшириш натижалари божхона хизматига ушбу Битим 6-моддасининг 1-бандида кўзда тутилган тартибга биноан хабар қилинади.
2. Тергов-текшириш сўралаётган Томон ҳудудида амалда бўлган қонунларга мувофиқ ўтказилади. Сўралаётган божхона хизмати тергов-текширишда ўз номидан иш кўради.
3. Сўралаётган божхона хизмати сўраётган божхона хизматининг мансабдор шахсларига тергаб-текширишда иштирок этишга рухсат бериши мумкин.
4. Бир Томон давлатининг мансабдор шахслари иккинчи Томон давлатининг ҳудудида ушбу Битимда назарда тутилган ҳоллар бўйича бўлганларида ўз расмий ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишлари, хизмат кийими киймасликлари ва қурол олиб юрмасликлари лозим.

10-модда **Экспертлар ва гувоҳлар**

Бир Томон давлатининг суд ва маъмурий органлари божхона ҳуқуқбузарлиги бўйича кўрилатган иш юзасидан сўров билан мурожаат қилса, бошқа Томон давлатининг божхона хизмати ўз ходимларига бундай суд ёки маъмурий муҳокамада гувоҳ ёхуд эксперт сифатида қатнашишга ваколат бериши мумкин. Бу ходимлар хизмат вазифаларини бажариш вақтида аниқланган фактлар бўйича хулоса ёки кўрсатмалар берадилар. Суд ёки маъмурий муҳокамада қатнашиш тўғрисидаги сўровда сўралаётган божхона хизматининг ходими қайси иш бўйича ва ким сифатида иштирок этиши кўрсатилиши зарур.

11-модда **Сўровларнинг шакли ва мазмуни**

1. Ушбу Битим 9-моддасининг 1-бандида назарда тутилган сўров ёзма шаклда йўлланади ва сўралаётган Томоннинг расмий тилида, рус ёки бошқа Томон божхона хизмати учун мақбул бўлган ўзга тилда тузилади. Сўровни бажаришда зарур бўладиган ҳужжатлар расмий тасдиқланган нусхаларда ёки фотонусхаларда илова қилиниши керак.
2. Сўров қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:
- а) сўров асосида манфаатлари ётувчи божхона органининг номи;

- б) сўров мавзуси ва сабаби;
- в) процедура тури;
- г) процедура қатнашчиларининг фамилияси, манзили ва улар тўғрисидаги бошқа маълумотлар;
- д) иш моҳиятининг қисқача баёни ва унинг юридик квалификацияси.

12-модда **Сўровларни бажариш**

1. Божхона хизматлари сўровни бажаришда Томонлар давлатларининг қонунларига мувофиқ ва ўз ваколатлари доирасида бир-бирларига ёрдам берадилар.
2. Агар сўров ижроси сўралаётган Томон давлатининг мустақиллигига, хавфсизлигига зиён етказадиган, унинг қонунларига ёки халқаро мажбуриятларига зид келадиган бўлса, уни бажариш рад этилади.
3. Сўровнинг бажарилишини рад этиш, шунингдек рад этишнинг сабаблари ҳақида сўраётган божхона хизмати зудлик билан ёзма равишда хабардор қилинади.

13-модда **Хужжатлар**

1. Сўров бўйича хужжатларнинг расман тасдиқланган нусхалари ёки фотонусхалари етарли бўлмаган ҳолларда асл хужжатлар берилади.
2. Асл хужжатлар сўралаётган божхона хизматиغا иложи борица қисқа муддатларда қайтарилиши керак.
3. Ушбу модда қоидаларини қўллашда сўралаётган Томон давлатининг ёки ушбу Битим иштирокчиси бўлмаган давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилмаслиги лозим.

14-модда **Олинган маълумот ва хужжатлардан фойдаланиш**

1. Божхона хизматлари ушбу Битимга биноан олинган маълумот ва хужжатлардан ўзларининг баённомаларида, хабарлари ва бошқа материалларида, тергаб-текширишларда, божхона ҳуқуқбузарлиги бўйича суд ва маъмурий муҳокамаларда далил сифатида фойдаланишлари мумкин. Бу маълумот ва хужжатларни суд ёки маъмурий муҳокамаларда баҳолаш сўралаётган Томон давлатининг қонунчилиги билан белгиланади.
2. Сўров бўйича тақдим этилган маълумот, хабар ва хужжатлардан фақатгина ушбу Битимни бажариш мақсадларида фойдаланилади ва уларни тақдим этган божхона хизматининг ёзма розилигисиз бошқа бировга берилиши, бошқа мақсадларда ишлатилиши ва ошкор қилиниши мумкин эмас.
3. Ушбу модданинг 2-бандидаги қоидалар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларга тегишли эмас. Бундай ахборот гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш билан бевосита шуғулланувчи давлат органларига берилиши мумкин.

15-модда **Харажатларни қоплаш**

1. Сўраётган божхона хизмати сўралаётган божхона хизматининг ушбу Битим-

ни бажариш учун сўралаётган божхона хизматида ишламайдиган экспертлар ва таржимонлар учун меҳнат ҳақи сифатида тўланадиган харажатларини қоплайди.

2. Ушбу Битим 8-моддасининг шартларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш масаласи Томонлар давлатларининг божхона хизматлари ўртасида алоҳида келишувлар орқали амалга оширилиши мумкин.

16-модда

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби

Томонларнинг розилиги бўйича ушбу Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади, алоҳида баённомалар тарзида расмийлаштирилади ва ушбу Битимнинг 20-моддасида ўрнатилган тартибга асосан кучга киради.

17-модда

Битимнинг ижро этилиши

1. Ушбу Битимда назарда тутилган ҳамкорлик бевосита божхона хизматлари ўртасида амалга оширилади.

2. Божхона хизматлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Битимнинг ижро этилиши учун зарур меъёрий ҳужжатларни чиқарадилар.

3. Ушбу Битимнинг ижро этилиши учун Томонлар давлатларининг божхона хизматлари икки томонлама божхона муносабатларининг масалалари бўйича алоҳида битимлар тузишлари мумкин.

18-модда

Баҳсли масалаларни ҳал этиш

Ушбу Битим қоидаларини бажариш ва қўллаш билан боғлиқ Томонлар ўртасида юзага келадиган баҳсли масалалар музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

19-модда

Алоҳида қоидалар

Ушбу Битим қоидалари Томонларнинг бошқа халқаро шартномаларга мувофиқ олган мажбуриятларига дахл қилмайди.

20-модда

Яқунловчи қоидалар

Ушбу Битим иккала Томон қонунларида кўзда тутилган зарур давлат ички процедураларини Томонлар бажарганликлари тўғрисида охириги ёзма хабар олинган санадан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим Томонлардан бири бошқа Томоннинг ушбу Битим амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги ёзма хабарини олган кундан бошлаб олти ой ўтгунича амал қилади.

Бишкек шаҳрида 2000 йил 27 сентябрда икки нусхада ўзбек, қирғиз ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга молик. Битим қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Кыргызской Республики о сотрудничестве
в таможенных делах

*Утверждено постановлением Кабинета Министров Республики
Узбекистан от 20 октября 2000 года № 402*

(Вступает в силу 1 марта 2005 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Кыргызской Республики, именуемые в дальнейшем Сторонами, желая развивать добрососедские отношения, в том числе и посредством сотрудничества в области таможенного дела, стремясь путем сотрудничества таможенных служб способствовать развитию и ускорению пассажирского и грузового сообщения между государствами Сторон, имея в виду, что соблюдение таможенного законодательства и борьба с таможенными правонарушениями могут более успешно осуществляться при сотрудничестве таможенных служб государств Сторон, основываясь на ранее принятых документах между двумя государствами, **согласились о нижеследующем:**

Статья 1
Определения

Для целей настоящего Соглашения применяемые термины означают:

«**таможенное законодательство**» — совокупность правовых норм государств Сторон, регулирующих порядок ввоза, вывоза и транзита товаров, ручной клади и багажа пассажиров, валютных и других ценностей, международных почтовых отправлений, взимания таможенных пошлин, сборов и других платежей, предоставления льгот по таможенным платежам, установления запретов и ограничений, а также контроля за перемещением товаров через таможенные границы государств Сторон;

«**таможенные службы**» — центральные таможенные органы государств Сторон;

«**таможенное правонарушение**» — нарушение или попытка нарушения таможенного законодательства:

«**лицо**» — физическое или юридическое лицо;

«**наркотические средства**» — вещества, включенные ООН в списки Единой Конвенции о наркотических средствах 1961 года с последующими изменениями и дополнениями;

«**психотропные вещества**» — вещества, включенные ООН в списки Конвенции о психотропных веществах 1971 года с последующими изменениями и дополнениями;

«**прекурсоры**» — вещества и их соли, классифицируемые в международных конвенциях как химические материалы, которые используются для производства наркотических средств и психотропных веществ;

«**контролируемая поставка**» — метод, согласно которому допускается ввоз, вывоз или транзит по территории одного из государств Сторон незаконных или

Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2005 й.

подозреваемых в незаконности партий наркотических средств, психотропных веществ с ведома и под контролем компетентных органов с целью выявления лиц, причастных к незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ;

«свидетельство» — официальный документ, подтверждающий фактическое оформление товара в соответствии с законодательством страны, в которой было произведено таможенное оформление товара.

Статья 2

Сфера применения Соглашения

Стороны на основании настоящего Соглашения, посредством таможенных служб в рамках их компетенции, для соблюдения законодательства государств Сторон будут сотрудничать в области:

а) совершенствования таможенного контроля пассажирского и грузового сообщения, а также международных почтовых отправок между государствами Сторон;

б) обеспечения правильного взимания таможенных пошлин, сборов и других платежей, а также применения таможенных льгот;

в) предотвращения, расследования и пресечения таможенных правонарушений;

г) упрощение процедуры таможенного оформления между двумя государствами.

Статья 3

Упрощение таможенных формальностей

1. Таможенные службы:

а) принимают по взаимному согласованию необходимые меры по упрощению таможенного оформления;

б) признают таможенные обеспечения (пломбы, оттиски печатей, штампов) и таможенные документы друг друга, а при необходимости налагают собственные таможенные обеспечения на перемещаемые товары.

2. Товары и транспортные средства, багаж пассажиров и международные почтовые отправления, перемещаемые через таможенную границу между государствами Сторон, в том числе, следующие транзитом, освобождаются от таможенного досмотра, за исключением случаев, когда имеются основания полагать, что их ввоз, вывоз и транзит запрещены в соответствии с законодательством государств Сторон, либо имеет место таможенное правонарушение.

Статья 4

Предоставление свидетельств

1. Таможенные службы предоставляют друг другу по запросу свидетельства, подтверждающие, что товары, ввезенные или вывезенные с территории одной Стороны, ввозятся или вывозятся на территорию другой Стороны на законных основаниях. В свидетельствах указываются вид и результаты таможенных процедур, в соответствии с которыми оформлялись товары.

2. Таможенные службы предоставляют друг другу по запросу сведения о том, что предоставленные подчиненными им таможенными органами свидетельства или другие документы, являются подлинными и содержат все необходимые данные.

Статья 5
Борьба с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ

1. Таможенные службы с целью активизации действий по предупреждению, расследованию и пресечению незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров без предварительного запроса и в возможно короткий срок сообщают друг другу сведения в пределах законодательств государств Сторон:

а) о лицах, о которых известно, что они занимаются незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров или подозреваются в этом;

б) о транспортных средствах, включая контейнеры, и международных почтовых отправлениях, о которых известно, что они используются для незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров, а также о новых методах контроля за ними.

2. Таможенные службы без предварительного запроса информируют друг друга о применяемых способах незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров, а также о новых методах контроля за ними.

3. Полученные любой из Сторон в соответствии с пунктами 1 и 2 настоящей статьи сведения, сообщения и документы могут передаваться правоохранительным и другим государственным органам, занимающимися борьбой с наркоманией и незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров.

4. На основе законодательств государств Сторон и по взаимному согласованию таможенные службы используют при необходимости метод контролируемой поставки наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров с целью выявления лиц, причастных к их незаконному обороту.

Решения об использовании методов контролируемых поставок принимаются Сторонами отдельно в каждом конкретном случае и могут при необходимости учитывать финансовые договоренности Сторон.

Статья 6
Передача сведений

1. Таможенные службы передают друг другу по запросу находящиеся в их распоряжении сведения, в том числе путем пересылки сообщений, протоколов и иных материалов или их заверенных копий:

а) об обстоятельствах, связанных с взиманием таможенных пошлин, сборов и других платежей, а также применением таможенных льгот;

б) о совершенных или готовящихся действиях, которые противоречат таможенному законодательству государства запрашивающей Стороны.

2. Таможенные службы в возможно короткий срок сообщают друг другу, в том числе и без предварительного запроса, сведения о возможных таможенных правонарушениях, в борьбе с которыми существует особая заинтересованность Сторон. Это, в первую очередь, касается таможенных правонарушений при перемещении:

а) товаров, которые могут представлять угрозу для окружающей среды и для здоровья населения;

- б) оружия, боеприпасов, взрывчатых и отравляющих веществ, взрывных устройств;
- в) предметов, представляющих значительную историческую, художественную, культурную и археологическую ценность;
- г) товаров, имеющих особо важное значение и подлежащих в соответствии с законодательствами государств Сторон обложению высокими таможенными пошлинами, акцизами и другими налогами;
- д) товаров, имеющих особо важное значение и подвергающихся мерам экономической политики в соответствии с законодательством государств Сторон.

Статья 7

Передача документов

1. Таможенные службы государств Сторон обмениваются между собой копиями действующих законодательных или иных нормативных актов по таможенным вопросам и незамедлительно информируют друг друга обо всех изменениях и дополнениях таможенного законодательства.

2. Таможенная служба государства одной Стороны по запросу таможенной службы государства другой Стороны передает копии решений административных органов своих государств по вопросам применения таможенного законодательства.

3. В запросах о передаче документов в соответствии с настоящей статьей в отличие от требования, предусмотренного подпунктом «д» пункта 2 статьи 11 настоящего Соглашения, существо дела может не описываться.

4. Получение документов подтверждается запрашивающей таможенной службой с указанием даты получения.

Статья 8

Обмен опытом и оказание помощи

1. Таможенные службы обмениваются информацией:

- а) об опыте своей деятельности и применения технических средств контроля;
- б) о новых способах и средствах совершения таможенных правонарушений;
- в) по другим таможенным вопросам, представляющим взаимный интерес для обеих Сторон.

2. Таможенные службы оказывают друг другу помощь в области таможенного дела, включая:

- а) обмен сотрудниками в случаях, представляющих взаимный интерес, а также с целью ознакомления с техническими средствами, используемыми таможенными службами;

- б) обучение и совершенствование специальных навыков сотрудников;

- в) обмен экспертами по таможенным вопросам;

- г) обмен профессиональными, научными и техническими сведениями, касающихся таможенных вопросов.

Статья 9

Расследование

1. По запросу таможенной службы государства одной Стороны таможенная служба государства другой Стороны проводит проверку или расследование по вопросам, предусмотренным пунктом «б» и «в» статьи 2 настоящего Соглашения. Результаты проверки или расследования сообщаются запрашивающей таможенной

службе в соответствии с порядком, предусмотренным пунктом 1 статьи 6 настоящего Соглашения.

2. Проверка или расследование проводится в соответствии с законодательством, действующим на территории государства запрашиваемой Стороны. Запрашиваемая таможенная служба проводит проверку или расследование, действуя от своего имени.

3. Запрашиваемая таможенная служба может разрешить должностным лицам запрашивающей таможенной службы присутствовать при таких проверках или расследованиях.

4. Должностные лица государства одной Стороны в период пребывания на территории государства другой Стороны в случаях, предусмотренных настоящим Соглашением, должны иметь документальное подтверждение своих официальных полномочий, не носить форменную одежду и не иметь оружия.

Статья 10 **Эксперты и свидетели**

В случае если судебные или административные органы государства одной Стороны в связи с рассматриваемыми таможенными правонарушениями, обращаются с соответствующим запросом, то таможенная служба государства другой Стороны может уполномочить своих сотрудников выступить в качестве свидетелей или экспертов в таких судебных или административных разбирательствах. Эти сотрудники дают показания или заключения по фактам, установленным ими во время исполнения служебных обязанностей. В запросе об участии в судебном или административном разбирательстве должно быть указано, по какому делу и в каком качестве должен выступать сотрудник запрашиваемой таможенной службы.

Статья 11 **Форма и содержание запросов**

1. Запрос, предусмотренный пунктом 1 статьи 9 настоящего Соглашения, направляется в письменной форме и составляется на официальном языке государства запрашиваемой Стороны, русском, либо на ином языке, приемлемом для таможенной службы государства другой Стороны. Необходимые для выполнения запроса документы должны прилагаться в официально заверенных копиях или фотокопиях.

2. Запрос должен содержать следующие данные:

- а) наименование таможенного органа, интересы которого лежат в основе запроса;
- б) предмет и причина запроса;
- в) вид процедуры;
- г) фамилии, адреса и другие данные об участниках процедуры;
- д) краткое описание существа дела и его юридическая квалификация.

Статья 12 **Выполнение запросов**

1. Таможенные службы оказывают друг другу содействие в выполнении запросов в соответствии с законодательством государств Сторон и в пределах своей компетенции.

2. В выполнении запроса отказывается, если его выполнение может нанести

ущерб суверенитету, безопасности, либо противоречит законодательству или международным обязательствам государства запрашиваемой Стороны.

3. Об отказе в выполнении запроса, а также о причинах отказа запрашивающая таможенная служба незамедлительно уведомляется в письменной форме.

Статья 13 **Документы**

1. Передача по запросу подлинных документов осуществляется в тех случаях, когда официально заверенных копий или фотокопий недостаточно.

2. Подлинные документы должны быть возвращены запрашивающей таможенной службе в возможно короткий срок.

3. При применении положений настоящей статьи не должны ущемляться права и законные интересы государства запрашиваемой Стороны или государства, не являющегося участником настоящего Соглашения.

Статья 14 **Использование полученных сведений и документов**

1. Таможенные службы могут использовать как доказательства, полученные в соответствии с настоящим Соглашением сведения и документы в своих протоколах, сообщениях или иных материалах, при проведении проверок или расследований, в судебных или административных разбирательствах в связи с рассматриваемыми таможенными правонарушениями. Оценка этих сведений в судебных или административных разбирательствах определяется в соответствии с законодательством государства запрашиваемой Стороны.

2. Сведения, сообщения и документы, предоставленные по запросу, используются исключительно в целях выполнения настоящего Соглашения и не могут передаваться кому-либо, использоваться для иных целей и придаваться огласке без письменного согласия предоставившей их таможенной службы.

3. Положения пункта 2 настоящей статьи не касаются материалов о нарушениях, связанных с незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров. Такая информация может передаваться государственным органам, непосредственно занимающимся борьбой с незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров.

Статья 15 **Возмещение расходов**

1. Запрашивающая таможенная служба возмещает запрашиваемой таможенной службе расходы, имевшие место в порядке выполнения настоящего Соглашения в связи с оплатой труда экспертов и переводчиков, не работающих в запрашивающей таможенной службе.

2. Возмещение расходов, связанных с исполнением положений статьи 8 настоящего Соглашения, может быть предметом отдельных договоренностей между таможенными службами государств Сторон.

Статья 16 **Порядок внесения изменений и дополнений**

По согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения. Изменения и дополнения оформляются отдельными протоколами,

которые являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения и вступают в силу в порядке, установленном статьей 20 настоящего Соглашения.

Статья 17
Исполнение Соглашения

1. Предусмотренное настоящим Соглашением сотрудничество осуществляется непосредственно между таможенными службами.

2. Таможенные службы издают в рамках своей компетенции необходимые для исполнения настоящего Соглашения нормативные акты.

3. Для исполнения настоящего Соглашения таможенные службы государств Сторон могут заключать отдельные соглашения по вопросам двусторонних таможенных отношений.

Статья 18
Решение спорных вопросов

Все спорные вопросы, возникающие между Сторонами, связанные с выполнением и применением положений настоящего Соглашения, решаются путем переговоров и консультаций.

Статья 19
Отдельные положения

Положения настоящего Соглашения не затрагивают обязательств, принятых Сторонами в соответствии с другими международными договорами.

Статья 20
Заключительные положения

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами необходимых внутригосударственных процедур, предусмотренных законодательствами обеих Сторон.

Настоящее Соглашение действует до истечения шести месяцев со дня получения одной Стороной письменного уведомления другой Стороны о ее намерении прекратить действие настоящего Соглашения.

Совершено в городе Бишкеке 27 сентября 2000 года в двух экземплярах на узбекском, кыргызском и русском языках, причем все тексты являются равно аутентичными. В целях толкования положений Соглашения используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон
Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005—2009 йил-
лар учун маданий алмашув
ДАСТУРИ***

(2005 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 27 июнда имзоланган Битимга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати бундан кейин «икки томон» деб аталади 2005—2009 йиллар давомида қуйидаги маданий алмашув дастурини амалга оширишга келишиб олди.

I. Санъат ва маданият

1-модда

Икки томон 15—20 кун давомида 15—20 кишидан иборат бўлган фольклор/мусиқа ва рақс труппалари алмашувини амалга оширадilar.

2-модда

Икки томон икки ҳафта давомида расмлар, китоблар ва ҳунармандчилик буюмлари, ислом санъати ва меъморчилиги бўйича кўргазма алмашувини амалга оширадilar. Кўргазма бир мутахассис иштирокида ўтказилиши лозим.

3-модда

Икки томон 7—14 кун давомида 8—10 кишидан иборат бўлган миллий қўшиқчиларнинг ташрифи билан ўзаро алмашадilar.

4-модда

Икки томон маданияти ва маданий анъаналарига тегишли бўлган нашрлар алмашуви амалга оширилади.

5-модда

Икки томон таклифномага асосан фестивалда унинг шарт-шароитларига риоя қилган ҳолда иштирок этадилар.

6-модда

10—20 ўзбек санъаткорлари ҳар йил октябрь ойи давомида Исломбодда Лок Бирса томонидан ташкил этиладиган Йиллик миллий фольклор фестивалида иштирок этишлари мумкин. Локк Бирса, шунингдек, ушбу фестивалларда Покистон номидан чиқиши мумкин.

Покистон қўшиқчи ва мусикачилари ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтка-

* Имзоланган кундан кучга кирган.

зиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштироқ этишлари мумкин.

7-модда

Лок Бирса икки ҳафта давомида Ўзбекистонда ўзининг бир мутахассиси иштирокида Покистон миллий санъати ва буюмлари кўргазмасини ўтказди. Ўзбекистон томонидан амалга ошириладиган худди шундай кўргазма яхши кутиб олинади.

8-модда

Музейшунослар, мусиқашунослар, фальклоршунослар, кутубхона тадқиқотчилари ва миллий санъат бўйича мутахассислар ўн беш кун давомида бир-бирларининг давлатларига ташриф буюришлари мумкин.

9-модда

Томонлар икки ҳафта давомида архив ходимлари гуруҳи алмашувини амалга оширадilar.

10-модда

Томонлар архивга оид нашрлар ва архив материаллари алмашувини амалга оширадilar.

11-модда

Томонлар 3 ой давомида антиквариат, манускриптлар ва фотосурат кўргазмаси алмашувини, шунингдек икки давлат қадимий маданий бойликларини биринчи ўринга олиб чиқадilar. Кўргазмалар мутахассислар маърузалари ёрдамида таништирилади.

12-модда

Ҳар икки томон ўз археология ва ёдгорликларини сақлаш соҳасида технологиялар билан танишиш мақсадида мутахассислар алмашувини амалга оширадilar.

13-модда

Археология ва унинг тармоқлари соҳасидаги нашрлар алмашуви амалга оширилади.

II. Ёшлар алмашуви

14-модда

Ўзбекистон томони Алмашув дастурида назарда тутилган 7 кунли муддатга 7 кишидан иборат бўлган ёшлар делегациясини юборади. Покистон томони ҳам худди шундай муддатга 7 кишидан иборат бўлган ёшлар делегациясини юборади. Ушбу ташрифларнинг мақсади, вақти ва муддати ўзаро дипломатик каналлар орқали аниқланади.

15-модда

Юборовчи томон ёшлар делегацияси халқаро йўл харажатларини ўз зиммаси-

га олади ва қабул қилувчи томон ёшлар делегациясини овқатлантириш, жойлаштириш, тиббий суғурта ва ички ташув харажатларини ўз зиммасига олади.

III. Спорт алмашуви

16-модда

Томонлар футбол ва волейбол жамоалари алмашувини ўтказадилар.

IV. Умумий ва молиявий таъминлаш

17-модда

Ушбу дастур юқорида кўрсатиб ўтилган алмашувлардан ташқари дипломатик каналлар орқали келишиб олинган бошқа алмашинувларни истисно қилмайди.

18-модда

Келишилган моддаларга оид харажатларни амалга оширишни эътиборга олган ҳолда, юборувчи томон делегациялар, труппа ва жамоаларнинг халқаро йўл харажатларига жавобгардир ва қабул қилиб олувчи томон овқатлантириш, жойлаштириш, ички ташув ва бошқа давлат делегация, труппа ва жамоаларининг ташрифи давомида тиббий таъминот харажатлари учун жавобгардир.

Қўргазмани ташкил этишда юборувчи томон халқаро ташув харажатлари учун жавобгар бўлади, қабул қилувчи томон эса давлат ички харажатлари учун жавобгардир.

19-модда

Ушбу дастур имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Тошкент шаҳрида 2005 йил 6 мартда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

67.412.1

Ў 32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТўПЛАМИ**

Ў 32 Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник
Международных договоров Республики Узбекистан. 1 (5)-сон, 2005, / Таҳрир
кенгаши: Б. Мустафоев, Э.М. Ғаниев, Е.С. Канъязов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Рес-
публикаси Адлия вазирлиги, 2005. — 176 б.

ББК 67.412.1

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005 й.

Таҳрир кенгаши:

*Б. Мустафоев, Э.М. Ғаниев, Е.С. Канъязов, И.Т. Неъматов,
М.М. Икромов, У.Т. Аюбов, К.К. Рашидов,
М.Ш. Истамов, М.М. Хакимов, А.А. Ғуломов*

Таҳририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 133-73-28, 136-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

*Н.С. Жўраев, М.И. Ишбеков, А.И. Ўралов,
Д.А. Ибрагимова, Ж.Х. Дўстмухамедов, А. Шакарова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусаҳҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент ш., Махтумқули, 1.

Нашр менежери Б.С. Муслимов



Босишга рухсат этилди 01.07.2005. Бичими 70×108¹/16.
Ҳажми 11,0 б.т. Адади 360 нусха.

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи» ЁАЖда чоп этилди,
Тошкент ш., Махтумқули, 1.
153 — 360 нусха — 2005 йил